

84
А-74

рулягох достои

доасти
иик



841(58)
14-74

НУРУЛЛОХ ДОСТОН

ФАСЛИ ИШҚ

(Шерият ва ғазалар)

Ўзбекистон ёзуви' сардораси
сўхпуридаев 00679
18.12.2018

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

«MERIYUS»
Тошкент-2013

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

84 0743
D. Yu. V. Doston.
Fasli ilk

11: 20134

УДК: 821.161.1-1
ББК: 84 (5)7
Д-74

Достон, Нуруллох
Фасли ишқ: шеърлар ва газаллар / Н. Достон. -
Тошкент: MERIYUS, 2013. - 96 б.

Нуруллох Достон (Нурулло Осмонов) 1991 йилдан Ўзбекистон
Ёзувчилар уюмлари аъзоси, "Юлдузлар чакнаган тўли", "Баҳор
рақси", "Йўлдаги булоқ", "Юрагининг безовта гули", "Қадим
йўлиларда", "Осмон тўла фаршита", "Фасли кўклар", "Тонгага пешевоз
чиқайлик", "Кўркмас улоқча" номли шеърлар тўпламларининг
муҳаллифи

ISBN 978-9943-395-69-5

© Нуруллох Достон (Н.Остони)
© MERIYUS нашриёти

Ушбу китобимни Ватан
озодлигининг 22 йиллигига бағишлайман

АНБАРАФШОНИМ ВАТАН

Ўтди қанча замонлар, қанча давру давронлар,
Кездим турфа жаҳонлар, жонга жононим Ватан.

Бағри баҳорга монанд, тулроғи зарга монанд,
Оби кавсарга монанд Сир, Зарафшоним Ватан.

Онам каби ғамгусор, отам каби хокисор,
Осмонлари бегубор жаннатмаконим Ватан.

Ўзинг пушти-паноҳим, топган меҳригилёҳим,
Муқддас саждагоҳим, рўйи жаҳоним Ватан.

Равзаи жаннат ўзинг, Каъбаи зийнат ўзинг,
Рўшнои давлат ўзинг, булбулзабоним Ватан.

Дилга офтобдир васлинг, элга меҳробдир наслинг,
Танити авлоддир аслинг, меҳри равоним Ватан.

Ўзбекнинг нишонаси, ёруғдир пешонаси,
БМТ қошонаси тахтиравоним Ватан.

"Шашмақом" мақомлари, сураъи каломлари,
Саломно саломлари, илму иймоним Ватан.

Ёлди кўп бағо тоши, ёвдан омондир боши,
Минг асрлар бардоши, марду майдоним Ватан.

Ота макон, она юрт, тулроғини кўза сурт,
Ғурбат эрур ўзга юрт, томримда қоним Ватан.

Киндик қоним тўкилган, мингта жоним тикилган,
Байроқ тутиб йиқилган садқадир жоним Ватан.

Истиқлолни эъзоз қил, Ҳумо куши парвоз қил,
Ҳар дилини сарафроз қил, ҳур жовидоним Ватан.

Эшитинг нурга тўлсин, бешитинг тулга тўлсин,
Ҳур қизу улга тўлсин, анбарафшоним Ватан.

Нурулдоҳ, бир куйчиман, тўйлаган бир тўйчиман,
Ўз элимдан элчиман, Ўзбекистоним Ватан!

КАЛОМ

Ўзинг кўлла Ҳаққи комил, мадад қил,
Уммон аро сабру дилини садаф қил.

Рушди ҳикмат, ҳилофатта шараф қил,
Аҳли фосиқ, ёмонни бир тараф қил
Ҳар бағо-ю ҳар қазони даф қил.

Ўзинг кўлла Ҳаққи комил, мадад қил,
Жамолитини кўкда моҳи ражаб қил.
Аъмоли баъд, ғанимларга ғазаб қил,
Ажру амал оташида азоб қил,
Ҳар бағо-ю ҳар қазони даф қил.

Ўзинг кўлла Ҳаққи комил, мадад қил,
Аҳли ишққа шарму ҳаё либос қил.
Калима-и шаҳодатни асос қил,
Яхшиликни ёмонликдан ҳалос қил
Ҳар бағо-ю ҳар қазони даф қил.

ЧУМОЛИ

Нафси олғир ҳаволидан кўрқ,
Дўсти чоғир аъмолидан кўрқ,
Нух тўфони мавжидан кўрқма,
Феълги собир заволидан кўрқ.

Тўлки-шоқол, бўридан кўрқма,
Ҳайвонларнинг зўридан кўрқма,

Одамзоднинг ўридан кўрқма,
Тирикликнинг уволидан кўрқ.

Билки, ота-она келар мўрт,
Гарди пойин кўзларингга сурт,
Қорачиқда омон қолган юрт -
Ёғийларнинг таловидан кўрқ.

Алломалар риштаси чирок
Фоҳишалар ишваси тузоқ,
Яқинларнинг фитнаси яроқ,
Миннат аҳли паловидан кўрқ.

Оғир ўт-сув, туҳмат балоси,
Устixonнинг ўртаф жафоси,
Охиратда бўлур жазоси,
Рўзи маҳшар саволидан кўрқ.

Дунё ҳеч вақт бўлмаган тўқис,
Тоҳ тиг урган, гоҳида битиз,
Бахт ва кулфат ҳаммиса этиз,
Ҳиёнатнинг шамолидан кўрқ.

Жасадингни титар нимталаб,
Гўрингдан ҳам кетар елкалаб,
Ватанингни сотар тилкалаб,
Талағувчи чумолидан кўрқ.

САНО

Ғунча яноғида шудрингми-нурми,
Кўкдам ёғдусига чайилган юзи.
Нафис шабодалар тортқиқлар ҳурни -
Баҳор — табиатнинг ораста қизи.

Куйлаб юборади кекса мажнунтол,
Соғинч тирқирайди куйлақларида.
Муҳаббат уйғонар, уйғонар висол,
Лайлақлар тўқиган турмақларида.

Чапани байталлар чорлар жуфтини,
Чўпон чопонида чучмома апри.
Танти табиатнинг кўринг лутфини,
Алвондай чўлпанар кўешнинг сатри.

Қайтадан бошланар ҳамал ҳисоби,
Тупроққа жон берар, тирикка тўзим.
Богларда туркирар баҳор хитоби,
Қушлар сано ўқир, тулларда таъзим.

БИЛДИРМАЙГИНА

Юрагимни эзма найтгина,
Ғамларингни нурга чайтгина.
Таскин берар оғу — майтгина —
Қушлар ўтар билдирмайгина.

Болагитим — қизғалдоқ умрим,
Бийрон қушим — овунчоқ кумрим.
Гиёҳларга сочилибган шудринг —
Ойлар ўтар билдирмайгина.

Унгутилар қайноқ бўсадлар,
Дилни тилар ширин ғуссадлар.
Чўкиб борар полвон жуссадлар —
Йиллар ўтар билдирмайгина.

Қайнайверар кўёш кумрони,
Ураверар юрак сандони.
Қийнайверар ҳаёт зиндони —
Йиллар ўтар билдирмайгина.

Тизни бўкиб гул япроғига,
Сажда қилиб юрт тупроғига.
Тафтини босиб дил қакроғига —
Умр ўтар билдирмайгина.

Мажнун умрим лайлатулқадр,
Лайли бўлди тўлин ой — бадр.
Ғунчалани руҳимда сабр —
Умр ўтар билдирмайгина.

Ҳаёт шундай сирли мўъжиза,
Тиз чўкканни қилади изза.
Алл турсанг, уради тизза
Умр ўтар билдирмайгина.

Улғаймиз тилдо бешикда,
Ўрганамиз кўлга мушукдай.
Кетаямиз чўбин эшикдан
Умр ўтар билдирмайгина.

ТИНМАС

Муҳаббат оғриқми, тузалиб кетса,
Муҳаббат риштами, узилиб кетса,
Ёки келинчақми, сүзилиб ўтса —
Қалбимда туғёнлар садоси тинмас,
Қўнғимда ҳижронлар дарёси тинмас.

Ҳар тонт деразамдан иффор келади,
Мени соғинтирган баҳор келади,
Ойдай тўлиб ул ёр, дилдор келади,
Қалбимда кўкларлар сабоси тинмас,
Қўнғимда армонлар навоси тинмас.

Севги саҳросида ташна бўлоқман,
Қанча яқинлашсам, шунча йироқман,
Кечиб кетолмадим ғамза фироқдан,
Қалбимда Қарбало саҳроси тинмас,
Қўнғимда айрилиқ жафоси тинмас.

Ўзим гуноҳкорман, кўпдир гуноҳим,
Ўзинг ишқ бергансан, кўлда Илоҳим,
Менинг ҳаётимсан, танҳо паноҳим,

Қалбимда муҳаббат нидоси тинмас,
Кўнглимда бўлбули гўёси тинмас.

ТОЗА ГҲЛ

Сен бокира, бир тоза гулсан,
Кипригини тағбор кўнмаган.
Очилади чечаклар, кулсанг,
Лабларингда куёш ўйнаган.

Соҳларингнинг занжири афсун,
Сеҳрлади телба хушимни.
Айт, кўзларинг бунчалар маҳзун,
Ўқиётир менинг ҳукмимни.

Қошларингнинг қалдирғочига,
Банди бўлди банди Машраб.
Мени остил ишқ оғочига,
Жасадимни кетмагил ташлаб.

Ситорангда ҳаё гулхани,
Қизғалдоқлар ёнар тафтидан,
Гулзор қани, аё, гул қани,
Адаштирди жунун афтидан.

Мақтовларим ҳали ичимда,
Бунча кўркам, зеби фалаксан.
Ўн саккиз минг олам ичинда,
Ўзинг танҳо ҳуру малаксан.

ИШҚИ ИЛОҲИЙ

Сарвари оламга келганда ваҳий,
Ҳазрати пайғамбар бўлди салоҳий.
Бешикдан тобутга қадар ҳикмат шу —
Тириклик фасли ишқ, ишқи илоҳий.

Етишиб бормоқда умр поёнга,
Келиб кетмоқдамиз қайдин қаянга?

Фақат бир ҳақиқат ўхшар аёнга —
Тириклик фасли ишқ, ишқи илоҳий.

Хулоса қилмадинг шунча йил яшаб,
Фанога талпиндинг қалтираб-қақшаб.
Қадрингни билмадинг одамга ўхшаб,
Тириклик фасли ишқ, ишқи илоҳий.

Мақрдан иборат илму амалинг,
Шайтоннинг сабоғи бўлди тамалинг.
Тушуниб етмадинг кетар маҳалинг,
Тириклик фасли ишқ, ишқи илоҳий.

Фанода фақир бўл, эл меҳрибони,
Муҳтождан аяма бир бурда нонни.
Англатил топишсанг омонат жонни —
Тириклик фасли ишқ, ишқи илоҳий.

МЕЗОН

Аюват сақтамас одам вазминни,
Шайтон қиздиради нодон базминни.
Сурови бўлар ҳар лўқманг ҳазминни —
Ўткинчи ҳаваслар қурбони бўлма.

Шоҳ бўлсанг, раият шафқатини қил,
Матарким галосан, меъёр-ҳадни бил.
Ортиқча сўзлама, гўрга тикар тил —
Ўткинчи ҳаваслар қурбони бўлма.

Фараз қил - замин уй, сен унда меҳмон,
Келишдан мақсад йўқ, на кетиш аён.
Йўлингни тўсди учраган хайвон —
Ўткинчи ҳаваслар қурбони бўлма.

Бабзиди ҳақ сўзинг туҳматдан ўтар,
Бабзиди рост гапинг фитнадан баттар,
Алловлар қадалган байроқни кўтар —
Ўткинчи ҳаваслар қурбони бўлма.

Беҳуда талашма, тирашма тентак,
Йўлингда дуч келса, уч-тўртга эшшак.
Сафига кўшали, хангресанг гартак
Ўткинчи ҳаваслар қурбони бўлма.

ТАҚИР

Бешафқат кунларнинг ўттани шудир,
Тоҳида оғу-бол туттани шудир.
Кеча қиш ҳукмида бўлган боғларда
Бугун қуртакларнинг бўрттани шудир.

Ўтали бетубор боғалик шодон,
Ишвали кулади тул ҳаёт — хандон.
Улғайиб бўламиз доно-ю нодон,
Қарвоннинг манзилга йўрттани шудир.

Гуноҳга ботамиз азалдан бир-бир,
Иймонни сотамиз амал деб бир-бир.
Дўстларни отамиз шул деса тақдир,
Тегрангда ёлгоннинг урчгани шудир.

Ўраниб қоласан мактов-олқишга,
Фурсатинг етмайди ортта боқишга.
Киришиб кетасан ёппа сотишга,
Шайтоннинг иймонни юттани шудир.

Яшайсан алдовга жонни қантариб,
Аюҳаннос соласан инсоф ахтариб.
Ўзингги тутасан хокисор, ғариб,
Тақдирнинг толеъга биттани шудир.

Ўзингдан зўр чиқса, мактаб ёғладинг,
Ожизни доғладинг, дилни чоғладинг.
Қурбонинг бошида белни боғладинг,
Будундан диёнат кеттани шудир.

Ғафлатда яшадинг, ғофил тўрасан,
Бесамар умрингга қотил жўрасан,
Ўққанинг гуллади, ҳосил ўрасан,
Тақдир манглайингга биттани шудир.

ХУДПАРАСТ

Бўлиссан, тўрасан, олий мартабанг,
Билмадим, қай узлат сизингга қабанг.
Шайтоннинг макрига ўхшайди сажданг —
Бандани хўрлашга Худо эмассан.

Бембо жабрингдан кимса қадри хор,
Хар гуноҳ савобга Ҳақнинг ажри бор.
Амалнинг пойида бўлдинг мардикор —
Бандани хўрлашга Худо эмассан.

Мардга тўн тор келмас ўлчанса бичим,
Оқил ҳар амалга топади ечим.
Сузишни билмасанг фарқ айлар кечим —
Бандани хўрлашга Худо эмассан.

Дунё покланмаса киёр, миннатдан,
Жудоллашиб борар турфа зийнатдан.
Бекор қувилмади шайтон жаннатдан —
Бандани хўрлашга Худо эмассан.

Замин чархпалақдир, қарвон тийилмас,
Инсон тирик бўлса, ризқи қийилмас.
Сибр нимкосаси бекор ейилмас —
Бандани хўрлашга Худо эмассан.

Бунча худпарастсан, бунча майдасан,
Оёгинг қайда-ю, ўзинг қайдасан?
Элнинг назаридан қолган бандасан,
Бандани хўрлашга Худо эмассан.

ТАВБА

Тақдирнинг ҳукмидан қутулмоқ дуввор,
Измида синайди ҳар фақир, бийни.
Ҳуроз қиқирмасдан дўстлари уч бор,
Сотишга улғурди Исо Салбийни.

Ҳаёт посантиси холис тарози,
Бир енгил келасан, бир тош босасан.
Бирда қотил бўлсанг, бирида қози,
Бирда осиласан, бирда осасан.

Ўзингни синасанг амал кўшқида,
Эшшак бозорига даллол бўлиб кўр.
Иймонни сотарлар уч пул ишқида,
Уларнинг сафида ҳалол бўлиб кўр.

Қара, атроф тўла издиҳом тўпи,
Елкалаб кетмоқда аччиқ қисматин.
Ваҳдату сийратдан мосуво кўпи,
Бажариб ўтади шайтон хизматин.

Қиёмат ҳукмини англамас банда,
Иймонни сотади ажал дамида.
Тавбага келмайди жон чиқар дамда,
Дўзахга кетади тўнғиз қавмида.

МУЎТОНИЛАР

Фойдасидан кўпдир зиёни,
Найрангининг йўқдир поёни.
Билмас номус, шарму ҳаёни,
Муўтонилар бузар дунёни.

Эшитингдан кирар бостириб,
Чўнтагингни қоқлар фоз туриб.
Турли найранг топар ром кўриб,
Муўтонилар бузар дунёни.

Ҳақ бор жойда адолат қолиб
Бир бад қасри мингги ўртаили.
Муўтонилар бир четда қолиб,
Муўтонивор рафтор кўпайди.

Барча билан топишади тил,
Орасидан ўтмас гарчи қил.
Англамайсан - гапи чин-ҳазил
Муўтонилар бузар дунёни.

Кўрсанг ўзи хокисор етим,
Ҳар макрига топади ечим.
Шайтон билан тузади битим
Муўтонилар бузар дунёни.

Заҳри қаттол, ширин забони,
Ўинатади Одам Атони.
Энда қилар оби-ҳавони
Муўтонилар бузар дунёни.

Усиз ўтмас ҳеч бир маросим,
Ҳар кимсага ўтказар босим.
Вужудига ёвуз рух ҳоким
Муўтонилар бузар дунёни.

НАФАС

Умрининг сайёди тортилган милда,
Тириклик ўлчови омонат қилда.
Олган ҳар нафасни сўнгги дам бил-да,
Ўтган ҳар дамингни сўнгги нафас бил.

Оламга тил берди Яздони олам,
Барча жонзодларни қилди мусаллам.
Келмоғу-кетмоқни қилди хат-қалам,
Ўтган ҳар дамингни сўнгги нафас бил.

Хей, инсоф кўчаси қайда, билмаган,
Нафсига эрк бериб, назри илмаган.

Иймондан лоф уриб, эҳсон қилмаган,
Ўтган ҳар дамнингни сўнгги нафас бил.

Бировда мол бисёр, бировда бахт йўқ,
Бировда тожу-тахт, бировда вақт йўқ,
Бировда насия, бировда нақд йўқ,
Ўтган ҳар дамнингни сўнгги нафас бил.

Умр-ку ўтали жангу жадалда,
Гоҳ виждон қамалда, гоҳ жон қамалда,
Худони танимас нокас амалда
Ўтган ҳар дамнингни сўнгги нафас бил.

Улулда бурд қочар ифво-низодан,
Ноҳақ жабрдан кўрк, бевақт қазодан,
Ҳеч кимса қутилмас одил жазодан,
Ўтган ҳар дамнингни сўнгги нафас бил.

Кимки арконини фарзи илм этур,
Риёзат, сабр ила сайқалга етур.
Илму амал, шойиста хулқ, дўст зуҳур
Ўтган ҳар дамнингни сўнгги нафас бил.

* * *

Жисму танни руҳи жонга қафас бил,
Маррифатга нафси жоҳни абас бил.
Ҳар бандата Яратгандин мадад бор,
Ғанимат ҳар дамни сўнгги нафас бил.

Туғал бўлди Тангри амри-ла олам,
Халиф ўлди анга Ҳазрати Одам.
Мангтайингда нури Худо мужассам,
Ғанимат ҳар дамни сўнгги нафас бил.

Тарикатга етар банда сидқ ила,
Шарикатга амал қилгай фиқҳ ила.
Мақомотга кимса етмас тиф ила,
Ғанимат ҳар дамни сўнгги нафас бил.

Тарикатдир нафас, қадам ул-карам,
Сукут айла, бўлар-бўлмас урма дам.
Зино қилма, ҳалол ишла, бўлма кам
Ғанимат ҳар дамни сўнгги нафас бил.

Мақомотда зоҳиран тавба қилтил,
Дилни покла, ботинан тавба қилтил.
Ғайри шаръий корини қанда қилтил
Ғанимат ҳар дамни сўнгги нафас бил.

Нафси аммората айлагил жиҳод,
Сабр бирда мақсуду ҳосил мурод.
Қилтил иймон манзилига эътиқод
Ғанимат ҳар дамни сўнгги нафас бил.

Маррифатни тарикат аҳкоми бил,
Сидқ, саховат, тафаккур кўрғони бил.
Таваккул қил, ишончинг сорбони бўл.
Ғанимат ҳар дамни сўнгги нафас бил.

ЖУНУН МАНЗИЛИ

Ҳончулаб ичди кўзларинг ғамни,
Қимтилган лабларда гуноҳнинг муҳри.
Жунун манзилида авраб одамни
Тавқижланган жаннат гулининг зуҳри.

Уят — андишанинг ночор жомаси,
Илон авраётган афсунтар дами.
Ширин тавқиқлаги жаннат олмаси —
Руҳга бўйсунмаган муҳаббат таъми.

Ҳилдан тўлғаниб титрайди туфён,
Чанқовуз лабида оҳанг жилваси.
Ишк оғу шароби, ғафлатдан уйғон,
Диндан чиқарди шайтон ҳийласи.

Бўсага шайланган мажнунтол каби,
Вужулни эркалар жаннат кушлари.
Ўғиб ўлдирди энди ёр лаби,
Бошингда янчилар таъна тошлари.

Тонгда очиласан намозшомгулдай,
Кўларинг эслатар рақси самони.
Тиланчи авайлаб санатган пулдай —
Садақа қилинган жаннат таоми.

Яна беҳуш қилар беҳишт атридан,
Пешвоз чиқаеттан тақдир висоли.
Ўртаниб яшайсан шайтон макридан,
Жаннатдан қувилган одам мисоли.

МАНТУ ИШҚ

Ғуссалардан йиллар улғайди,
Ой чехралар гулдай сарғайди,
Ўжар юрак иқрор бўлмайди,
Яна сени кўргим келади!

Наво ўтди, бенаво ўтди,
Ўртаимиздан бир дунё ўтди,
Тан олмадик, не хато ўтди,
Ҳамон сени кўргим келади!

Ғунчаларнинг лабида ҳайрат,
Энтиктирар кушчалар сайраб,
Келдим шунча ўзимни алдаб,
Нетай, сени кўргим келади!

Шалаббодир ёмғир кўйлагини,
Кучоқлайди чакмоқ билатини,
Ок кўйлагини баҳор малатини,
Сени жуда кўргим келади.

Вақт туташди эшигимизда,
Соғинч қолган бешитгимизда,

Манту ишқ бор кўшигимизда,
Сени жуда кўргим келади!

БАТАН ШАЪНИ

Ватан, боболардан мерос қаломим,
Ёнарсўз пайғомим, мозий қарвоним,
Сенсиз мен қуёшсиз, нурсиз гиёҳман
Тилга қирамиди тилсиз забоним.

Ватан, ўландларинг рақсида тўғман,
Алвон тиламларинг кўксига чўғман.

Мевади дарахтсан, йўқ тош отмаган,
Бўғзингга осилар сотган-сотмаган,
Шунчалар бағрикенг, осмон Ҳимматинг,
Гарчанд чандиқларинг изи қотмаган.

Бешикларинг турфа гулларга тўлсин,
Эшикларинг қизу улларга тўлсин.

Дунё баҳра олди илм-ирфонингдан,
Қўзим қувонади шаъну шонингдан.
Машиқдан мағрибга қадар овозанг,
Оврупага ўрин бердинг ёнингдан.

Сахрода ташнага сув бермоқ савоб,
Қуёш остонангга қилади тавоб.

Осмондан узилиб тушган жаннатсан,
Бошларга ёғилиб турган раҳматсан,
Пайғамбар назари тушган қадим юрт,
Сабрлан тикланган улғу давлатсан.

Дойсувоқ уйларинг иймон бешити,
Ҳар битта алломанг дунё эшити.

1-FILIALI

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
Тошкент вилояти ҳаёт ва
таълим вазирлиги
Тошкент педагогика институти
АҚБОРОТ RESURS MARKAZI

Муқаддас саждагоҳ, кўнглил жавҳари
Туғингда порчасин юлдузинг, ойинг.

Элни тарк этмасин кут-баракалар,
Сенга муборақдир тўй-марракалар.

БАЛДАИ МАҲФУЗА

Зардушт, сўлдан сўйлаган овозаси,
Осмонларга бўйлаган ҳавозаси.

Дўста очик жаннатий дарвозаси,
Аҳли илм меҳроби афрўзаси,
Ганжи замин балдаи маҳфузаси.

Дин арабда, Туркистонда амали,
Илм ажабда, Самарқандда тамали.
Тўрт фаслини тенг қилади ҳамали,
Боғи Бўлдо, Кўҳаку Ферузаси,
Ганжи замин балдаи маҳфузаси.

Манглайида нури Худо жилоси,
Етти иқлим таърифида қисси.
Ҳар фишгида алломалар дуоси,
Ҳар минори, қалъасино кўзаси,
Ганжи замин балдаи маҳфузаси.

Етти шаҳар хоки нихон сабрида,
Ҳарбу зарби, жабри аён қаҳрида.
Келажакнинг тонги лисон бағрида,
Афросиёб, Конитил марғубаси,
Ганжи замин балдаи маҳфузаси.

Қадим қарвон зуннорилир Самарқанд,
Аҳли иймон рафторилир Самарқанд.
Дўсту меҳмон дийлорилир Самарқанд,
Моҳитобон равази афрўзаси,
Ганжи замин балдаи маҳфузаси.

УЛУҒ ЮРТ

Кипригимнинг найзаси камон,
Бўй чўзган ҳар майсаси қалқон.
Кон томири, найчаси дармон,
Фарзандлари баркамол Ватан,
Сарҳаллари безавол Ватан.

Ўзбекнинг шўр пешонасига,
Паноҳ бўлдинг чакмонинг билан.
БМТнинг кошонасига
Кириб бординг кетмонинг билан.
Соҳадилгим, андишам Ватан,
Озод элим, ҳар решам Ватан.

Инқилобу суронлар аро,
Азобларда пешланди қалла.
Бошга тортди буҳронлар аро
Бири шапка, бирови салла.
Бошни омон сақлаган Ватан,
Аюлатни ёқлаган Ватан.

Дарё эдинг, оқдинг шарқираб,
Озод бўлдинг зулм сабридан.
Манглайингда толе ярқираб,
Халос бўлдинг кишан жабридан.
Житар-бағри доғланган Ватан,
Қиличларда тобланган Ватан.

Дуо билан кўқарган элсан,
Сабр билан енгган балони.
Кўйдаёй ёвош, шикаста дилсан,
Тиканлардан зада товони.
Андишада султонсан Ватан,
Кўтарилсанг, вулконсан Ватан.

Алломалар улуғлаган юрт,
Олам яна кўрди бўйини.

Чандиғини пешонангта сурт,
Пайваста қил тўйга-тўйини.

Юлдуз бўлиб чорлаган Ватан,
Кўк тоқида порлаган Ватан.

СЕН БАҲОРНИ БОШЛАБ КЕЛАСАН

Кўзларингга чакмоқ ёлқини,
Сочларингга шилдат тўлқини,
Васлинг ишқининг сархуш талқини,
Сен баҳорни бошлаб келасан.

Қизғалдоққа тўлади томлар,
Дилдан озод бўлади ғамлар.
Хуш ҳаволи, наволи дамлар
Сен баҳорни бошлаб келасан.

Хуммор кулишларинг чиройли,
Нозли юришларинг чиройли.
Инжу кумушларинг чиройли,
Сен баҳорни бошлаб келасан.

Ғунчадайли бўғзимда ҳайрат,
Боглар қўйни гуллаган жаннат.
Бу не гулшан, бу қандай санъат,
Сен баҳорни бошлаб келасан.

Уйғонади баҳор ҳар нишга,
Кувват олар ҳар гул, ҳар ришга.
Сулув хилқат, қутлуғ фаришта,
Сен баҳорни бошлаб келасан.

Жаннат гули Момо Ҳавосан,
Одам Ато айтган навосан.
Қанча мақтов бўлса равосан,
Сен баҳорни бошлаб келасан.

Кўкда Хулкар бўлиб порлаган,
Ерда тавҳар бўлиб чорлаган,
Айт, қим сента кўнгли ёрмаган,
Сен баҳорни бошлаб келасан.

Найчадайди найсонда тулрок,
Яшил олам ёзди ялрок.
Богларда бахт гулдайди оппоқ,
Сен баҳорни бошлаб келасан.

ОЙБАРЧИННИНГ НИДОСИ

Лочин кетиб, юришларинг бўлди ғоз,
Яхши билан ёмон фарқи қолди оз,
Али туғи тикланмасми бир кун боз,
Алломнишдан кўрқмайсанми, Ултонтоз?

Ўз қавмингни бунча қийнаб хўрладинг,
Амалдинг, ёлпасига зўрладинг,
Бойсун узра ўргимчадай тўрладинг,
Алломнишдан кўрқмайсанми, Ултонтоз?

Ултонмиди, султонмиди насабинг,
Тоғимиди, қозимиди мансабинг,
Қимга керак тирик мурда жасадинг,
Алломнишдан кўрқмайсанми, Ултонтоз?

Жон бошига солим сўраб келибсан,
Ҳилдан ошиб, қўлим сўраб келибсан,
Тикдирингга ўлим сўраб келибсан,
Алломнишдан кўрқмайсанми, Ултонтоз?

Бойсун эли асли феъли кент бўлган,
Бирини эли, бири бўйу енг бўлган,
Кулун қачон бургут билан тенг бўлган,
Алломнишдан кўрқмайсанми, Ултонтоз?

Қилмишингги эл-улус ҳам билади,
Яратгандан фақат тавфиқ тилади,
Эрта-индин Алпомиш ҳам келади,
Шунда унга нима дейсан, Ултонтоз?

АСҚАР МАҲКАМ ХОТИРАСИ

Бир гиёҳ аtriлай ифор сочмасант,
Шамчироқ тафтидай қадр топмасант,
Дилга йўл очмасант, кетмон чопмасант
Ичган тузинг қолар қолса фанода.

Матарким роҳатда юз йил яшадинт,
Суянчиқ бўлолмас топган мансабинт,
Тупроққа қорилар совуқ жасадинт
Бостан изинг қолар қолса фанода.

Эгилиб ер ўлма ҳар хас олдиди,
Умрингги совурма галварс олдиди.
Ўзингги хор тутма нокас олдиди
Жасур сўзинг қолар қолса фанода.

Муслимдай яшадинт, таслим бўлма ҳеч,
Ғадир, қул ҳалойиқ таъмасидан кеч.
Ложарам, дунёнинг нағмасидан кеч
Ёруғ юзинг қолар қолса фанода.

Юзингда нур бўлсин, ғайри сўйлама,
Учраган ҳар каста дардинг тўйлама.
Яхшисан, ёмонлик ҳаргиз ўйлама
Инжа созинг қолар қолса фанода.

Аҳли иймон бўлса, дил тафтини соч,
Дўсту меҳмон келса, кучоғингги оч.
Баракали уйга кўнар қалдирғоч
Ўғил-қизинг қолар қолса фанода.

ФАСЛИ ҲАМАЛ

Фасли Ҳамал тоқатида битди савур,
Замин юмшаб, меҳваридан чиқди ҳовур,
Қизғилдоқлар қоматлари бўлди савр
Сулув қизлар ёноғида кулди Наврўз,
Қушчаларнинг сайроғида келди Наврўз.

Иллиз отиб, ерда тупроқ найчалади,
Тикбир ўқиб яшил ўтлоқ майсалади,
Еш юраклар тунда уйроқ най чалади
Гул-чечаклар япроғида кулди Наврўз,
Бойчечаклар дудоғида келди Наврўз.

Йилнеланар Афросиёб хобогоҳлари,
Нурга тўлар аялғестар дартоҳлари,
Юратимни сел қилади сетоҳлари
Ул қадим жон тупроғида кулди Наврўз,
Абри найсон фироғида келди Наврўз.

Симо гўмбур, сувда ёмғир думчалайди,
Ҳар юракда ишқ ниҳоли гунчалайди,
Висол истар қанча Мажнун, қанча Лайли
Ўт-чингиллар чароғида кулди Наврўз,
Ўтги кўзлар қароғида келди Наврўз.

Бўлди ҳулно интизор дил тардишлари,
Қилди ялло муҳаббатнинг дарвишлари,
Омон бўлсин шолликлари, ташвишлари
Мажнунтоллар чироғида кулди Наврўз,
Қизғилдоқлар байроғида келди Наврўз.

Бу соҳилга етганларнинг риққи бутун,
Қора қозон ўчоғидан чиқсин тутун,
Ҳалим билан сумалакка келтир ўтин
Сарлафтарим вароғида кулди Наврўз,
Чакмонининг ямоғида келди Наврўз.

ЖАНТНОМАИ ЯХЌ

Ҳар бир бошга ҳар турфа,
Бўлар экан ҳангома.
Икки бошга бир кўрпа,
Шундан барча жантнома.

Тор кўрпани талашиб,
Оёқ-қўллар толади.
Бошга тортганда сабил
Оёқ чиқиб қолади.

Хотин истайди ором,
Мен истайман ҳаловат.
Чорак асрдан буюн
Бўй бермайдил қасофат.

Икки бошни бир қилиб,
Ямаб келдик йўрмалаб.
Бир кўрпадан тўрт бола,
Чиқиб кетди ўрмалаб.

Бир кўрпада умримиз,
Икки бошга бир айвон.
Эру хотин кўш ҳўкиз,
Дилда тахти Сулаймон.

Хотин тортали бошга,
Мен тортман оёққа.
Кетай десам бош олиб,
Хотин дейди "Қаёққа?".

Сабр қилсак, ҳалемай,
Бу кунлар ҳам ўтали.
Омон бўлсак бир кўрпа,
Ҳаммамизга етади.

ШОИРЛАРНИНГ БАХШИСИ

Азим Суюнга

Куёш чиқар оловланиб Оқтовлан,
Жуманбулбул авжи янграб ўтовдан,
Дўмбиранинг мавжи тинмас кўтловдан,
Азим Суюн пешвоз чиқар элига.

Чавандозлар жар солади тўй-тўйлаб,
Баковуллар меҳмон кутар ҳой-ҳойлаб,
Давра тортган Алпомишдай бел бойлаб,
Азим Суюн пешвоз чиқар элига.

Нуротанинг тулпорлари кишнайдил,
Бургутлари чўққиларда қишлайдил,
Юратилда қизғалдоқлар яшнайдил
Азим Суюн пешвоз чиқар элига.

Элга эрка бўлар шоир султони,
Сўзи билан энтиктирар дунёни,
Қушиқларга Ватан бўлар осмони,
Азим Суюн пешвоз чиқар элига.

Чавандознинг зўри улоқ олади,
Ёғини кўрса йигит яроқ олади,
Витан учун шоир байроқ бўлади,
Азим Суюн пешвоз чиқар элига.

Ўлчов эмас унга умр мезони,
Бола мисол илрок қилар дунёни,
Юракларга жойлар меҳриёғини,
Азим Суюн пешвоз чиқар элига.

Сўларидан уфурлади дашт иси,
Ўлишларга гал берайлик яхшиси,
Алиёблар қўллаган юрт бахшиси,
Азим Суюн пешвоз чиқар элига.

ҲАМАЛ КЕЛДИ

Кирлар ёнар ял-ял само чароғидан,
Кизғалдоқлар мўлтирайди қароғидан,
Бойчечаклар ўпар чақин ёноғидан,
Тутроқ нишлаб, томирита амал келди,
Узоқ кишлаб Наврўз ила ҳамал келди.

Чўмомашлар чопқилтайди қир бошита,
Турнақатор кушлар учар йил бошита,
Айланади қизлар баҳор сирдошита
Яшил олам изҳорита тамал келди,
Чақин чақнаб Наврўз ила ҳамал келди.

Кушлар сархуш юракларнинг сайроғидан,
Соғинч тошар нитоҳларнинг қирғоғидан,
Найсон ёғар булутларнинг дудоғидан
Камалакнинг камонида қамал келди,
Ғамза ташлаб Наврўз ила ҳамал келди.

Қийғос боғлар сочқилтайди гул исини
Мажнун кўнгили ичар ҳилол ёдусини,
Настаринлар яширалаи култусини
Қалдиғочлар навосида ғазал келди,
Ялла бошлаб Наврўз ила ҳамал келди.

Куш тилига мушқи хулво шайдо бўлди,
Дастурхонда сумалаклар пайдо бўлди,
Бутун боғда савр қалди Лайло бўлди
Уйғон энди, қадимижон азал келди,
Дада даштлаб Наврўз ила ҳамал келди.

Хатти малак эрка фасл зебосида,
Етти фалак нурланади либосида,
Келинсалом нози аён ибосида,
Ишқ майидан жомсуз айтар маҳал келди,
Кулиб яшнаб Наврўз ила ҳамал келди.

СОҲИБҚИРОНДИР ВАТАНИ

Олам аро меҳроби жондир ватан,
Дил чароғи, офтоби кондир ватан.
Осмонимда моҳитобондир ватан,
Бўстонимда тахтиравондир ватан.

Жонга дармон, танга кўрғондир ватан,
Элга султон, дилга иймондир, ватан.

Дов чавондоз донғи чиқмас самансиз,
Бенаводир булбул боғу чамансиз.
Фурбат ичра ғариб ўлтай кафансиз,
Тирикликда қувонч йўқдир ватансиз.

Бешигимга тоқи наравондир ватан,
Эшигимга рўйи жаҳондир ватан.

Неча вақтким, тилим гоғил жим эдим,
Ғарчи донғим, байти Бобил, Рим эдим,
Сен бўлмасанг бу фанола ким эдим,
Банди бедил, эрки йўқ маҳкум эдим.

Салтанатда Соҳибқирондир ватан,
Қўшқи ирфон, бошчи қарвондир ватан.

Гиёҳингни жонимга пайванд қилай,
Кучоғингни равзаи жаннат қилай,
Тупроғингни кўзимга зийнат қилай,
Таврифингни аҳли аржуманд қилай.

Гулшанлари рангинкамондир ватан,
Ўғлонлари элга посбондир ватан.

Менда кўрку ҳашамларга йўқ ҳавас,
Чанқоғимга яхна чойинг бўлса бас,
Уй томида қизғалдоқлар кулса бас,
Меҳри тафтинг зарби қалбда урса бас.

Боболар жон тиккан макондир ватан,
Болам ардоқлаган райҳондир ватан.

АҒЛ ВА БАҲОР

Ўзинг хурга ўхшаб кетасан,
Кўзинг нурга ўхшаб кетади.
Сўзинг гулга ўхшаб кетади,
Келган сенми, ёки баҳорми?

Суягимни қақшатди аёз,
Қанотимни чарчатди парвоз,
Нитоҳимни яшнатди хуш соз,
Кулган сенми, ёки баҳорми?

Боғлар хандон отди қикиридаб,
Найсон инжу сочи шитирлаб.
Кулогимга ишқдан шивирлаб
Елган сенми, ёки баҳорми?

Сени кўриб олам уйғонди,
Сочин ўриб, сабо тўлғанди,
Қиз-дағалар гулга чулғанди,
Гулшан сенми, ёки баҳорми?

Шаффоф бўлди ойдин кечалар,
Нурга тўлди рангин кўчалар
Майгун бўлди мажнунпешалар
Севган сенми, ёки баҳорми?

Ўзинг малак, ўзинг капалак,
Гоҳи камон, гоҳи камалак,
Гоҳи ҳалим, гоҳи сумалак,
Эркам сенми, ёки баҳорми?

Яна қандай айлайин қиёс,
Одамга жон ато қилган соз.
Васлинг қилди ҳижрондан халос
Кўркам сенми, ёки баҳорми?

Сен жаннатдан адашиб тушган
Ҳурлиқосан, самандар қушсан.

Равза бўлди сен кучган гулшан,
Чаман сенми, ёки баҳорми?

Юзинг зебо, ифоринг ялпиз,
Кўзинг шаҳло, чиройинг нартис.
Оғушита фарқ этган дентиз -
Уммон сенми, ёки баҳорми?

БАҲОР ТАШРИФИ

Охулиги шаҳлога қиёс,
Жодулиги Лайлога қиёс,
Ярашади ҳар қандай либос
Оразлари ризвонга ўхшар.

Бу не ҳайрат, бу не тароват,
Юракларга сунди ҳарорат.
Гиёҳларда унли жасорат
Иффорлари райҳонга ўхшар.

Чакин чакнар шарор васлида,
Дала-дашглар гулзор қаслида.
Бир қиз келар дийдор фаслида
Инжулари найсонга ўхшар.

Ёноқлари уфқдан ял-ял,
Ҳар гиёҳга беради сайқал.
Қизғалдоқлар пойида машъал,
Нитоҳлари уммонга ўхшар.

Ороҳларда тирқиар япроқ,
Ишқ тафтидан гулдайди тулпроқ.
Қалдирғочлар парвози шўҳроқ,
Қанотлари исёнга ўхшар.

Беҳуд кунлар аржони рўё,
Чўмилди шолтикка дунё,
Бир қиз келар тийнати раъно,
Қоматлари гилмонга ўхшар.

СОҒИНДИМ

Фироқингда жонима ўт туташди,
Оташида куйди Карбаго дашти,
Ҳажринг васли хижрон ила дучлашди
Ширин калом сўзларингни соғиндим,
Келин салом нозларингни соғиндим.

Оху моҳлар елиб ўтди йўлимдан,
Кизгалдоқлар кулиб тутди кўлимдан,
Оқуш йиллар учди ўнгу сўлимдан
Камон қошли кўзларингни соғиндим,
Келин салом нозларингни соғиндим.

Инжуларинг ўхшар абру найсона,
Жодуларинг менгзар оби ҳайвона,
Телба кўнглим элга бўлди афсона
Шубҳа-ғумон розларингни соғиндим,
Келин салом нозларингни соғиндим.

Дилдорлигинг қилишмайди малакдан,
Сен парисан тушиб келган фалакдан,
Дийдорингни бир кўришга ҳалакман
Дутор-танбур созларингни соғиндим,
Келин салом нозларингни соғиндим.

Атринг жаннат сунбулининг ифори,
Сайёд кўнглим бўлди сайдинг шикори,
Воҳ қадинга сандувоч дил нисори
Олма-анор боғларингни соғиндим,
Келин салом нозларингни соғиндим.

Чечаклардан сента бўлсин дуолар,
Ишқ меҳроби менга бўлди ридолар,
Таширфингни бўлдим кутиб адолат
Сўлим баҳор-ёзларингни соғиндим,
Келин салом нозларингни соғиндим.

ЗЕБОНА

Чўлпонга ўхшати

Кизлар қоши ёй бўлди,
Зулфи суман сой бўлди.
Тун кўйида тўлғаниб
Ҳилол тўлин ой бўлди.

Гулим-гулим, гулимой,
Тўлин-тўлин, тўлин ой,
Булбул розини тинглаб
Кизлар бўлди келиной.

Нақарот

Келин-келин келиной,
Ҳилол бўлди тўлин ой.
Тўлин-тўлин, тўлин ой,
Кизлар бўлди келиной.

Куёш кўжда чўғланди,
Замин нурга чуғғанди.
Ўпич олиб кўжамдан
Кўнгилда ишқ уйғонди.

Нақарот

Нур сочилиди гулшанга,
Гулга тўлди гушанга.
Келин-куёв пойига
Сочилиди тилиго танга.

Нақарот

Зебо-зебо, зебона,
Кизлар бўлди жонона.
Вомик ҳажрида Узро
Ўхшар моҳитобона.

Нақарот

Келин-келин келиной,
Ҳилол бўлди тўлин ой.
Тўлин-тўлин, тўлин ой,
Кизлар бўлди келиной.

Сабр жомии тўлар бир кунӣ,
Ектирмайсан аёғ хулқини.
Кўрмай дейсан рафтор-турқини —
Султон кўнгил хилватни истар.

Лайли йиллар ўтар тиндирмай,
Кўпкарита солар билдирмай.
Фиротинг ҳам кўяр миндирмай,
Вулқон кўнгил шиддатни истар.

Мушфиқ онанг тушар ёдингта,
Келолмайди у ҳам ёнингта.
Замин заранг, сгмас додингта
Армон кўнгил сийратни истар.

Кўш ҳайловга қолсанг ярамай,
Хотининг ҳам кўяр қарамай.
Фарзандларинг қочар сўрамай —
Қарвон кўнгил сарҳадни истар.

Яшашда йўқ на мангик ҳазми,
Гирдинг аро аросат баъзи.
Сухан ғафлат сохтакор назми —
Сўзон кўнгил жаннатни истар.

Олтов бўлсанг отангдан ёлғиз,
Қайда ака-ука, ўғил-қиз?
Шаробдан қуй, эй умри азиз,
Меҳмон кўнгил улфатни истар.

Бокиб кузда учган япроққа,
Кўз ёшларинг томар тулпроққа.
Чақирганда бир кун сўроққа —
Ҳижрон кўнгил ваҳдатни истар.

Яна сени кўргим келди Суҳайло,
Соҳларингни ўргим келди Суҳайло,
Соҳинг занжиридай кўнглим паришон,
Изларингдан юргим келди Суҳайло.

Нақарот

Лайли-Лайло-Лайло, қилдинг ало Суҳайло,
Лайло-Лайло-Лайли, жоним фило Суҳайло.

Қизғалдоқлар оҳи тутди саҳрони,
Мажнун бўлдим, гуллади ишқ армони.
Адо қилди мужгонларинг пайкони
Яна сени кўргим келди Суҳайло.

Нақарот

Сани излаб Адан даштида доғман,
На қаландар, на телбаман на соғман.
Парвоната талпинган шамчироқман,
Яна сени кўргим келди Суҳайло.

Нақарот

Қайтардасан қоши абру қамона,
Лаби қавсар, сўзи оби ҳайвона.
Сани кўмсаб тўлар бўлди паймона,
Яна сени кўргим келди Суҳайло.

Нақарот

Қанча нозу фироқларда алашим,
Олма-анор дудоқларда алашим.
Ишқдан олган сабоқларда алашим,
Яна сени кўргим келди Суҳайло.

Нақарот

Даврон ўтар, қарвон йўли тўхтамас,
Жонон ўтар, армон йўли тўхтамас.
Бу дунёда ҳеч ким сenga ўхшамас,
Яна сени кўргим келди Суҳайло.

САМАРҚАНД МАДҲИ

Гулгун ватан бўстониди дилдор Самарқанд,
Юлдуз чаман осмониди гулзор Самарқанд.

Боголари бол, оби зилол, бағри хушанбар,
Кўксига зёб бермиш хилол, шаъни музаффар.

Илми улуғ, бахти тўлуғ, хуммор Самарқанд,
Байрамларинг бўйсин қўлуғ, аёёр Самарқанд.

Дўстга очик дарвозаси, тўкин дастурхон,
Олам аро овозаси тилларда дoston.

Алломалар бешитида бардор Самарқанд,
Ҳар фарзанди эшитида сардор Самарқанд.

Авлиёлар қўллар мудом чигтонларини,
Ҳилотта йўллар мудом султонларини.

Кўҳна замин тупроғида зуннор Самарқанд,
Обидалар ардоғида туммор Самарқанд.

Қадим сўғдининг сядосидан Зардушт Самарқанд,
Пиру комил дуосидан баржўш Самарқанд.

СОРБОН САМАРҚАНД

Олам элининиғ ифтихори, сорбони Самарқанд,
Кўнгиғ уйининиғ меҳрибони, дарбони Самарқанд,

Дилдор топпадим дунё кезиб етти иқлимда,
Тинчлик элининиғ дилда бори, посбони Самарқанд.

Ҳар бир қаричи авлиёлар, пирлар макони
Тарих қатида барча замон мардони Самарқанд.

Нозли хироми гулгулага ташлади жонни,
Бир ишва билан олди ҳасл, жонони Самарқанд.

Ўғий пайкони шўъласида олди аланга,
Кул бўлди қуёш, жангу жадал қурбони Самарқанд.

Қаддини тутиб қайта бино бўлди неча бор,
Мангу жовидон бўлди яна фармони Самарқанд.

Йорлушт ишқидан ваҳдат сари қўйди қадими,
Қири улуғу, нурга тўлиқ осмони Самарқанд.

Алп Эртўнганиниғ хур чамани, раҳшони Самарқанд,
Дунё элининиғ шахсувори, достони Самарқанд.

БИЛМАСИН

Ўнғ қўлиниғ қилган амални чапда аёёр билмасин,
Сўғ қўлиниғ кезган чаманни ўнғда дилдор билмасин.

Яхшилик дарёси улким, хислати таъма эмас,
Яхшилик қилсанг балиққа, оққан анҳор билмасин.

Мақсулиниғ хайру эҳсондир, савту шоён шарт эмас,
Обод эрса битта қўнғул, кимса асрор билмасин.

Анналиб боғларда пинҳон, хониши оламга хуш,
Ғунча лаб очса саҳарда гулу гулзор билмасин.

Мартабанг бисёр кўпайсин, элда шўриш айлама,
Алғ ила дунёни олғил, кўжда жаббор билмасин.

Дўсту улфат даврасида ҳар сўзиниғни пухта қил,
Қанча қилсанг баъзи жамшид, уйда рўзгор билмасин.

Гул ҳасёт дор бирла дорбоз, эпласанг ўйнашта кир,
Эпламас эрсанг усулни оғочи дор билмасин.

ЯҲЕГА АЙТ

Фасли ишқ Мажнун қиёс, рози дил Лайлога айт,
Лаблари қирмиз тилос, юзи гул раънога айт.

Еру кўк белбоғида, нурли тонг тўлғоғида,
Айни кўктам чоғида, ол яноқ саҳрога айт.
Лаҳзалар тақдир хати, тахланар йиллар қати,
Йўқ тириклик шафқати, бетиним дарёга айт.

Келмоғу кетмоқ тайин, англагар борган сайин,
Сипқариб ноби майин, ҳур сўзинг дунёга айт.

Бўлмағли нокаста пеш, йўлда йўлдош бўлма ҳеч,
Ваъдаси тоғ бўлса кеч, рафтори яғмога айт.

Хуш калом, суҳбати дил, бул ҳаёт малҳами бил,
Лафзини пайваста қил, соқие жонога айт.

Не гапинг бўлса жигар, сента эш бўлмас дигар.
Ахволитгдан бер хабар, котиб-ул Яҳёга айт.

ТАСАДУҚ

Ёрни яратиб кўкда ўзи ҳайрона тасаддуқ,
Қоши қаламу, оху кўзи мастона тасаддуқ.

Жонимга солиб ишқ ўтини ўтдио кетди,
Арша ўрлади ўт тутунни, жонона тасаддуқ.

Майда қалами, нозни хиром, кулгуси пинҳон,
Неча ошиғи бўлди ғулом, хандона тасаддуқ.

Занжир зулфини дор қилибон бўйнига солди,
Қисмат кўкида моҳитобон, девона тасаддуқ.

Бир бўса сўраб бўлди бағо, ғаврога қолдим,
Бошимга келиб амма-хало, баҳона тасаддуқ.

Майдонга солиб, қилди сазо, бўлди тамошо,
Ўртада намоз бўлди қазо, сарсона тасаддуқ.

Олдиға солиб қувди хотун, қилди бадарға,
Бўлди тўшагим энди бу тун, чойхона тасаддуқ.

Май ичма дебон, қолга кўйиб эрди табибим,
Расво айлади элга ёйиб, майхона тасаддуқ.

ФАСЛИ ИШҚ

Дил қарасда бастадур, бедаво дунёда ишқ,
Бил, садафда қатра дур, хушнавво шаббода ишқ.

Ул тахир майдир қадим, ҳолини айтмас надим,
Сўригил ичган кимсалдин, ғам ила ғамбода ишқ.

Ҳижр ўти ғалдор ғаним, тутди кўкни гулханим,
Алмисоқдин шу танним, бир умр савдода ишқ.

Фасли кўктам туғ бўлиб, қир-адирда чўғ униб,
Лолаву туғён тўлиб, унди ул саҳрода ишқ.

Қилди сарви навнихол, чеҳраси чакноқ ҳилол,
Ишваси оху мисол, ҳур малак сиймода ишқ.

Бир боқиб жонни ёқар, кўйнига ойни тақар,
Булбули куйлар саҳар, гул юзи раънода ишқ.

Ким ҳулога бандадур, ишқ либоси тандадур,
Хоҳи кимҳоб, жандадур, даҳр аро сажжода ишқ.

Севги шундай меваки, қарвон ўтди, демаки,
Гул ҳаёт бир кемаки, кўр олур ялдода ишқ.

Кўр, алаф қавшаб хўкиз, тан юкиб бўлмас тўқис,
Терт қориб, шулха егиз, пеш бўлур бардода ишқ.

Мирламас тилдою зар, англамас ўткинчи хар,
Юлдузингда бўлса гар, сарвари мирзода ишқ.

ЖУЛДУРВАҚОҒА

Мастона кўзим тушди эвоҳ қоши қароға,
Ғамзаси ила битта нитоҳ солди бағоға.

Ман ўгли қарош уммонига фарқ бўлақолдим,
Жонимни олиб домонига, солди тароға.

Васлида неча ахтари шаб ёндим-у куйдим,
Ишқ пайкониини дилға қалаб солди садоға.

Ит мушти ила телба-саёқ нолалар эттим,
Атоси чиқиб урди таёқ, солди жудоға.

Аноси боқиб бошин-аёқ ҳолима кулди,
Берафға қизим деди у йўқ, жулдурақоға.

Кошона қуриб, сўнг савтиға Нексия жуфтла,
Қолғони бадалдур завчиға, солғил ароға.

Аносин кўриб, қизини ол, деб эрди тўтам,
Барбод бўлди ишқ, ёй қадди-дол қолди модоға.

Кўнгли уйидин ўзга ватан, ўзга макон йўқ,
Кўнгли уйидек тилка бадан қолди гадоға.

СОМСАДИН

Мола бўлгон кўйнақлар кўтарилмуш тизвадин,
Адо бўлгон эркақлар ўлар бўлди иззадин.

Хўп кўпаймиш шарми йўқ, билолмассен фарми-йў
Кўйлагининг ярми йўқ, юз қизармиш жиззадин.

Ажаб замонға қаранг, кўпчиган сонлар таранг,
Ёш яланг аланг-жаланг, ним яланғоч жуссадин.

Корин қолгон очилиб, ёки чиққан шошилиб,
Бор бул-шудди чочилиб қолгон каби қиссадин.

Улузда ор бўлмаса, шарму қарор бўлмаса,
Ошинг ҳалол бўлмаса, шудир дарак гуссадин.

Эркақ хотинмижоз, хотинлар бўлди хўроз,
Гирданида тош-тароз, чиқмас садо кимсадин.

Битталлар гастарбайтал, эр уйда йиғар чўтал,
Жонинг бўлса бир йўтал, бул беибо ғамзадин.

Бу дунё боғи майдон, шўр бошинг бўлсин омон.
Энда кўпаймиш шайтон, хулоса қил қиссадин,

Делим Ҳижрат алуҳазар, ён-тирдинта сол назар,
Ҳаромдин қилғил ҳазар, кечма арзон сомсадин.

ОЙПАРИ

Майи нобни нўш қилиб, тили бийрон ойпари,
Ғап-таштакни хўш қилиб, сурди даврон ойпари.

Эр уйда бола боқар, хотин ногора қоқар,
Кўчада бола-бақар бўлди сарсон ойпари.

Маскоп, Бангкок қолмади, қатнайвериб толмади,
Бандадин уёлмади, хирста қурбон ойпари.

Не сирни қилғум баён, ўзи шундоқ ҳам аён,
Икки елкада шайтон, кетар қаён ойпари.

Қўрқак-киндик яланғоч, ҳой мусулмон, кўрсанг қоч,
Турли рангда қалта соч, қочди иймон ойпари.

Ёрнинг зулфи жамалак, эрнинг номи ҳезалак,
Бу қандай ғап, ё фалак, ёнди осмон ойпари.

Даврада бермас ғалпи, чайпайди ўнгу чапни,
Тепирмон қилиб лабни, қилди дoston ойпари.

Ҳасратда ўтар Ҳижрат, аланга олар ғафлат,
Бир кун келтирар қулфат ушбу хирмон ойпари.

БАРДАКИ

Англасанг эй бандаки, бешумор эл мардаки,
Занчалишдир гартаци, бир хилидур шартаци.

Фельдини билмоқ эсанг, сэл бериб кўрғил пишанг,
Бўш-баёви тапаки, дов-даёви ҳаптаки.

Шамғалат бўлса кўзинг, мирдамас таппон тузинг,
Мол топодур хуштаки, жим қоподур кўптаки.

Хуш кўрур овозани, ланг қилур дарвозани,
Сотса ширмой, чапчаци, кавшағони чалпаки.

Сал жловни бўшласанг, бош этиб хўш-хўшласанг,
Лоф уродур тентаки, чанг солодур гуптаки.

Кўрасаки холи хароб, лафзида бўлмас жавоб,
Бошга сиемай телпаки, рост бўюлдур жуфтаки.

Бирда ёр ҳамду-сано, бирда бор жабру-жафо,
Бирда кўрсанг калтаки, бирда кўрсанг пистаки.

Ранг олур кўрға қараб, ожизу зўрға қараб,
Бирда бўлур луччаци, бирда себи жўптаки.

Мақришин йўқдур нажот, шайтанат ичра ҳаёт,
Бир бўлур роз-ўрдаки, бир чироққа пилтаки.

Измаиға тушсанг матар, сағринга солғай эгар,
Бошда турса сўтаки, дер анонгни гўдаки.

Олқишини шод биллиб, тур ишини ёд биллиб,
Ярми урғай чапаки, ярми қилғай пашмаки.

Одаму Хавво ила, Хижрато тавфиқ тила,
Бўлмасин қай диндаки, чикли дунё бардаки.

БАЛОДУР

Олар эрсанг барор сўзни, ҳадни билмас нафс балодур,
Қай томонга бурма юзни, шайтон бергон дарс балодур.

Сўзингни елга совурма, ўзингни ўтда қовурма,
Чиринма, асло дов урма, нолон ила баҳс балодур.

Ёмонга ёндошиб юрма, май ичиб аржуманд курма,
Оқибатинг бўлур турма, шерик бўлгон наҳс балодур.

Учрагонни ошна тутма, дардинг айтиб шафёв кутма,
Якши дўст чиқмайди гушна, сиринг билгон кас балодур.

Ётомарон ўпкадек кўтма, авомни шигталаб ўтма,
Мисқоли обрўни тўкма, эл кўзида маст балодур.

Майдагап, занчалиш бўлма, ҳиринглаб ҳар сўзга кулма,
Ўнгингдан чимматинг юлма, ғайри чиққан сас балодур.

Ўзингни хору хас билгил, тирикчикини қарас билгил,
Ҳаётинг бир нафас билгил, ҳаром бўлса, хас балодур.

Ҳилол эрса бурда нонинг, шул мартаба эрур шонинг,
Хижрат омон бўлур жонинг, тилни кулф қил, бас, балодур.

ЧИРОҚ

Кунда бир ўчди чироқ, тунда бир ўчди чироқ,
Шамчироқ бўли қароқ, кимга қилсак арз-сўроқ.

Куйли уйда кирмошин, кирмошин бўли хотин,
Қолмади асбоб бутун, барчаси тилка-куроқ.

Дилбўзар дилни бузар, ҳар куни уста тузар,
Вовайло қилил гузар, касда қолмади мароқ.

Жамланиб уч-тўрт калон, урди ўзни тўрт томон,
Айди бир ширинзабон, топпириқ шундоқ бироқ.

Бўлди тоқатлар таранг, ёқ-ўчир қилди гаранг,
Ер ҳамин саҳтү заранг, бўлди осмон кўп йироқ.

Ҳижрато чекома фироқ, қай бобонг ёққан чироқ,
Шайлагил лампачироқ, айла шағамни яроқ.

Замзама бўлма жўра, чечалин аҳвол сўра,
Бунча ғаводин кўра, бир таҳорат яхшироқ.

ИСТАЮР

Колмади рўзимда ранж, сиғрат сувайло истаюр,
Ман Юсуф, розимда авж, кўнгил Зулайҳо истаюр.

Ваҳ ажиб, баҳри муҳит гардулда ғаво кўзгатур,
Турланиб сабри ҳудуд мажнунда савдо истаюр.

Найсони май ноби хуш, айлади ҳар сабза нўш,
Шамс уриб чимматга тўш, сайронда танҳо истаюр.

Кўк чақини найзалор, пайконида йўқ қарор,
Чор тарафда авж шарор, рақсига шайдо истаюр.

Тўлганур тулпроқда жон, уйғонур сабру ниҳон,
Найчаглар ҳар битта дон, хилқатда пайдо истаюр.

Ўрғаниб еру само, бўлди олам хушҳаво,
Дилга солди ишқ наво, суҳбати жоно истаюр.

Гулға тўлди Карбало, кечди юздин қаҳрабо,
Эмди Мажнун марҳабо, васлиға Лайло истаюр.

Фасли кўкғамда хиром, нозилин Ҳижрат гулом,
Жуфтлади оташ калом, бир малаксиймо истаюр.

СОҒИНДУК

Эй, мўрча-миён, қоши-камон сизни соғиндук,
Вей, гунча даҳон, нозли забон қизни соғиндук.

Шўҳи гуломи матлубида савдоға чиксак,
Сабзаи кўкгам хайлида қирмингни соғиндук.

Дилшора боқуб лаҳча шарор ичра бу жоним,
Фаттон нитоҳи пайкону ёлғизни соғиндук.

Иффорин олиб този сифат қилдук вовайло,
Настарину хуш бўйи ул ялпизни соғиндук.

Чакмоқ мисоли тилқалади ғамза ғамимни,
Кел-кел боғима, бўлбулу гул юзни соғиндук.

Муғбачаи бодафуруш Пошоға хабар қил,
Хуш улфат ила шаққари жиз-бизни соғиндук.

Савти Ғулом, Яҳё, Наби, Чоршамни йиғиб кел,
Ибоди жамол илҳоми тамизни соғиндук.

Ҳижратни тамом динға бўкиб шаҳри зимистон,
Султон базмида дийлори Ҳурмузни соғиндук.

ТАБИАТНИНГ

Бўлди кажлуми акраб авзони табиатнинг,
Милдоға шикор ўлди арқони табиатнинг.

Шамъи Баҳром гардиши юз қаро бўлмиш не тонг,
Чиллан чироқ янглиғ хирмони табиатнинг.

Бозиллаб танча-танур, гирдита маҳтал мардум,
Самум хукмига тулмиш кўргони табиатнинг.

Хут ила хойи-хутти таквosi бўлиб бардор,
Қачон кирувси эмди дармони табиатнинг.

Ишқни соғунтик эй ёр, дил ғубордин кентик, ёр,
Қўқамдин дарак олий фармони табиатнинг.

Ўртаниб дашту дала, исёнда ўтов-ооч,
Саҳрони туттай эмди ризвони табиатнинг.

Нозли ҳимоси ҳай-ҳай, жондин ўтув билинди,
Ҳар дилда оташ лавҳи жонони табиатнинг.

Ҳижрат ғимиллаб қолди, чашми чаросни кўрув,
Ишқига бўлди доя, юрмони табиатнинг.

ПАРДАСИДУРМИЗ

Яронлар бул фаносинда гуноҳкор бандасидурмиз,
Икки чўбин аросинда Яратган хандасидурмиз.

Расул ботинни поксандаи ҳукм бирлан қаролиқдин,
Дил қаролиқ қуфри ботин, сифрати жандасидурмиз.

Ҳирсу нафса кўнгили боғлаб, охиратингни куйдирма,
Мақри шайтонни ўқитган ҳиснат рандасидурмиз.

Тилида тақбири инсоф, дилида тадбири зардоб,
Тазарру қилмаган нодон авомнинг гандасидурмиз.

Танинг туфроққа етмасдин, тийил бад кирдикорлардин,
Равзадин мосуво бўлган аврати мандасидурмиз.

Ўтув бир-бир ямон-яхши, омонат ҳар сўзинг нақши,
Изингдин ишқи жом қолсин, биз анинг саждасидурмиз.

Тириклик бўҳрони ичра қилма шарманда Ҳижратни,
Шу гардун узра тортилган адолат пардасидурмиз.

МАЖОРА

Оламота авлодида азму аввора,
Наслу насаб таълифида кўлиди мажора.

Бири деги, хўжасифат асли уруғим,
Барисита шохид ўтар кўҳна гаввора.

Айди бири ҳалилдуллоҳ пушти-падарзод,
Бошқасини реши етди биби Ҳажора.

Бири деги, чаро маро бовар накарди?
Фотимийлар авлодин бизни шажора.

Дағи бирин чоғи келур наби-саидга,
Бири эшон ёрлиғида қоқар нағора.

Ён-верима боқсам магар кишвар, парихон,
Бари Ҳудо хеши сифат қилар наззора.

Ҳижрат деги, аҳли тамиз бори шу ўлса,
Шаксиз анинг насли етар ҳалди ҳимора.

МАЛИКАИ БУДУР

Ўн саккиз минг олам аро қатрадурусан, фикр қил,
Бул тириклик манзилинда бандадурусан, шукр қил.

Махлуқотлар ичра берди, ақлу идрок, шамойил,
Забонингта калом жуфтлаб, зиё берди зуҳур қил.

Магарким умринг ўлчовда, ҳар нафасни ҳикмат бил,
Яхшилик рушдига шайлан, улғур, югур-югур қил.

Қаъбани кўрмоқдан афзал, бир синиқ дил малҳами,
Давлатинг кўрғони дилга хайру эҳсон муҳр қил.

Тенг ўлув шох ила дарвиш жисм ўлув туфроқаро,
Шоҳ эсанг, дарвишни ёқла, кибору шаррни қуфр қил.

Рўзи маҳшар фасли етса, сану мандин не қолур,
Марҳаматни улў тутғил, ҳимматсизни чуқур қил.

Ҳижрат, умр ўткинчи деб, кампирингн унутинг,
Эмди анинг кўнглун олиб, маликаи булур қил!

АЖАБ ДУНЁ

Амри мавруф салотинда бобо Соқий авут айди,
Бу гардунни харки банда қарчи бирла ўлғайди.

Бировни ўлчови мисқол, бировни ўлчови тусмол,
Бирови ақчаға банди, бириси мартаба сайди.

Бири хотунға дўст бўлғай, бири иймонға суёт бўлғай,
Бири оқил, бири овсар, бири шоҳ, бошқаси дайди.

Одам бор, амлоки эҳсон, одам бор лавнаи шайтон,
Биров рушди савоб бирла, бирини тош босур айби.

Бани одам турки шакли, бири бадбахт, бири бахтли,
Суриштирсанг, жудо ақли, Яратаннинг шундир ғайби.

Бирини суҳбати жонон, бирини тийнати зиндон,
Жамийки ҳикмату иллат, азал дафтариди қайди.

Сани ўлчовға кўйғонинг замон қаричига сифмас,
Ажаб дунёсидин Ҳижрат таҳорат бирла кўл чайди.

ҚОЛДИМУ?

Бобур газалига муҳаммас

Эй фалак, маҳринг аро радди жулоси қолдимۇ,
Мен киби ғам чекмаган қалди адоси қолдимۇ,
Дархонамни тепмаган дайди талоси қолдимۇ,
Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдимۇ?
Хаста кўнглум чекмаган дарду бағоси қолдимۇ?!

Лашу ул-маҳфуз ила амрида кўрғай Яздон иш,
Имдин айро эмас гардуни пода ҳар қарч,
Ҳижрондин беҳроқ кўрмадм толеъида ўзғариш,
Мени хор эттио қилди муддаийға парвариш,
Дакри дунпарварни ўга муддаоси қолдимۇ?!

Сиймтан маҳудлиғидин бўлди ашким кўда чош,
Чехрай олуда эрди, айлади афшони фош,
Буи таним ўтру азобда устухонда талош,
Мени ўлғурди жафою жар бирла ул куёш,
Эмди тирғузок учун меҳру вафоси қолдимۇ?!

Гирри нолондамен, сўрма рўзумни эй рафик,
Кимсани шод кўрмалим, тингла сўзумни эй рафик,
Қабаи қавсар томон ўнгла юзимни эй рафик,
Ошиқ ўлғач, кўрдум ўзумни ўзумга, эй рафик;
Уш кўнглумнинг бу оламда ҳароси қолдимۇ?!

Меҳнату зорлиқ ичинда ўтти умрим чора хайф,
Ешингим ҳукми азал бўлмиш тамоми ҳарбу зарб,
Тилғифин бермас парихон, на касе пир илми-ғайб,
Эи кўнгул, тар Бобур ул оламни истар, қилма айб;
Генри учун де, оламнинг сафоси қолдимۇ!

ЯХШИЛИК

Бобур газалига муҳаммас

Қилма касдин тельмаким, йўқтур гумондин яхшилик,
Пинкони жонғағизо, бори камондин яхшилик,
Жисминга келғай малол руҳи-равондин яхшилик,
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилик,
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилик!
Ким фаноға бастадур, келмалди харғиз шафик,
Ул маҳак бандиға тушғач, қаҳрабо бўлди ҳақиқ,
Ошм аҳли алмисокдин шул жазоға мустаҳик,

Бу замонни нафй қилсам, айб қилма, эй рафик,
Қўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилик,
Саринга тўқум урулмиш, кўй они, сан тўн дема,
Сийрати ғалдор бозига бош уруб, ҳеч кўн дема,
Аҳли рой сабри суқун маҳбули эрса жўн дема,
Дипрабодлардан ямонлик келди маҳзун кўнгулма,
Келмади жонимга ҳеч ором жондин яхшилик.

Ҳолинга зулм қилғали қалби сўқирдин басру кўп,
Лантари Хушеш пироҳан чоки фитна ўтру кўп,
Нотавон рафтори каж, бад савдосида касру кўп,
Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлик асру кўп
Эмди кўз тутмоқ не, яъни ҳар ямондин яхшилик.

Гардунни давворада кўрдум одамдин ваҳши йўқ,
Олчоғу сотқин риёлик зулматидин фаҳши йўқ,
Такбирида тавба йўқ, Яздон суҳудли нақши йўқ,
Бори элга яхшилик қилғилки, мундин яхши йўқ,
Ким дегайлар даҳр аро қолди ғалондин яхшилик.

Судрама танни маконда хастадил оғур киби,
Ўртама жонни ниҳонда мактули чоғур киби,
Хушкалом аҳлига дўст бўл ҳазрати Жобур киби,
Яхшилик аҳли жаҳонда истама Бобур киби,
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилик.

ТУТАЙ

Навоий ғазалига муҳаммас

Авроқи арза боқиб, авзои гардундин ўтай,
Булажаб қисмат майи, бардорда хуш-беҳуш кетай,
Сандувочтек нолаву авранг азобини ютай,
Эй кўнгул келким, бағо базмида жоми ғам тутай,
Ўз қатик ҳолимга ўлмистин бурун мотам тутай

Кўрким, ишқ захмидин ағёре йўқ олам аро,
Кишвари фонийда мусаллам ўтруғудин тан аро,

Мен Адан даштини манзил айласам, сўрма чаро,
Ҳиллабон бошимга оҳим дулидин чирмаб қаро,
Мотамим эл сўнгра тутғунча ўзум бу дам тутай.

Афсари мардум тутуб кўйнимда сақлабмен афё,
Шидатидин танг келиб афзун бўлди пешу қафо,
Рўзоримда қолмади на хуш замон, на-да сафо,
Олам аҳлига неча қилдим вафо, кўрдум жафо,
Эй кўнгул, кел-келки, тарки жумлан олам тутай.

Матрким роҳи по узра пироҳан жандаи жулур,
Умидим арқоғи Шамса, оёким остида дулдул,
Ғунча бўсага лаб тутмас, нолакор бўлмаса булбул,
Эмдиким, ишрат суруридин очилманг, эй кўнгул,
Навха оҳангин тузуб, бир дам сени хураам тутай.

Токай бўй кўрсатмағай, ҳақнинг сирож, соқие,
Илки-по гул айлади чархни тарожи, соқие,
Телбани манзум қилур дилни хирожи соқие,
Масгилдин ўзага йўқ дардим илож, соқие,
Мий кетурким, ҳам ичай бир лаҳза они, ҳам тутай.

Фитнадин қисвар тўқурлар доғи юз аҳволима,
Дули кўкка ўрлағай сўзонда сўз аҳволима,
Бир юпунчини топмадим парча бўз аҳволима,
Кўйил, эй носихки, муғ дайрида ўз аҳволима,
Маст лояъқил ёқам йиртиб, суруди ғам тутай.

Фикрати мўру малах онтига дур бермиш худо,
Бул чаманда жавр юки салдида гул термиш адо,
Ризқи тар шоҳонадур, нон тилаб ермиш тадо,
Чун жаҳон бирла жаҳон аҳлига йўқ эрмиш вафо,
Эй Навоий, мен вафо сарипшасин маҳкам тутай.

МУШАРРАФ КҮН

Жомий ғазалига муҳаммас

Тавонат деҳ, жудо макун ки лафзи меҳрибонамро,
Зин таври инкишоф кун жаҳди роҳи равонамро,

Шарори оташи сўзон расид он ки тавонамро,
Худовандо балути хеш гўё кун забонамро,
Ба дидорат мушарраф кун ду чашми хунфишонамро.

Сари по дарбадар гардаам, нахости чаро хаёлам,
Бамисли Салмони Форси аз ишқи ту бемажолам,
Дашти Аданро саргашта басиру Мажнун мисолам,
Маро аз завқи худ монанди Адҳам кун дар ин олам,
Бисўз аз ишқи худ пайваста мағзи устухонамро.

Ваҳлати жовидонро ғайри розе намебиннам,
Дигар аз ҳулуви Яздон ғайри созе намебиннам,
Хиркаи жуббапӯш беғаз дигар касе намебиннам,
Ба ғайри маъсият дар номаам чизо намебиннам,
Ба даси нафси аммора мадеҳ ақли инонамро.

Мафар хоҳи, залили шав, бибин аз ў қарам оял,
Зироат мунсариф в-аз ҳосили Ҳақ дарав оял,
Оқибат кун лоҷарам дил ба ҳалқи фас алам оял,
Ба вақти жон суғурдан леви малъун бар сарам оял,
Зи ҷанги он лаъин ё раб ниғаҳ дори имонамро.

Надонам ҷан фасл биташт, ҳамоне хастаи хорам,
Вужудам бастаи имкон, аз дигар нест чизе борам,
Таважжуҳи дидорат ту умедворам, умед ёрам
Агар ҷанде гуноҳкорам умед аз раҳматат дорам,
Ба ҳаққи сайидул кавнайн ато кун он жаҳонамро.

Бурди оби баҳри ажӯз тамоми иттилоъи бул,
Бар сари кӯҳе ниҳода чор мурғи Ҳалили шул,
Фигонеки, в-аз оҳанг аз Кўҳиқоф буромад дул,
Ба ҳаққи зоти поки худ, ба ҳаққи ҳашт сифоти худ,
Даруни жаннатул маъво мӯйсар кун маконамро.

Хирқа аз касе пушидан, Ҳижрат нури хирад дорам,
Жаҳонро пойхоки қардаам, баъзи сангин алаб дорам,
Харжи роҳ нашула гаштаам, умеди ҳаққи Рабб дорам,
Манам бечораи Жомий, умеди мағфират дорам,
Нитох дор аз сақар ё Раб, ту жисми нотаваонамро.

ТУШ

Юзинг ой-у, дулоқ гунча, сочинг занжир,
Қили навростангдла ифор соҷар жамбил.

Имо қилинг, ҳимо қилинг, адо қилинг,
Ўлим ҳайрон, кўзим гирён, юрак қандил.

Уруш кўргон суворийдек жазм қилим,
Минам силсилаи даврон, бироқ банд дил.

Булбулингман, санга банди бўлдим, э гул,
Оёқ - бошдин висолингта жами талбил.

Валеқ гулмиҳда бандлурман, тушовдурман,
Ажаб ишқинг пайровидин вужуд тандир.

Бўлурми шунчалар каттол, қаро бул туш,
Қаро терға тушубдирман зилу-замбил.

Қалимамни бадастурлаб, хобини кувсам,
Боши болишимда хушҳол ётар кампир.

СЌҚҚАБОШ

Сўққабаш юрғон эрдим, фармон бўлди ўзгача,
Тул бўлса ҳам тўй қилиб, уйланаман кузгача.

Тўтам толпон фаришта ду шавҳар кўргон эрмиш,
Оре, ору ҳаёси ётар эрмиш қизгача.

Топар-тутарға гап йўқ, хат саволи бадастур,
Изн берсанг алифдин санар эрмиш юзгача.

Анга шавҳари мўмин, манға байтали чўбин,
Бўлса кифоят эрмиш, ўрин қолмас сўзгача.

Тўйдан олдин афтини кўрдиму ақлим озди,
Қаҳратон босиб кирди, юрак тушди музгача.

Онинг савтига асли харидор эрмас эрдим,
Дордан қочғон ўғридай титроқ солди тизгача.
Ҳижрат хўрликдин қочиб Рўсиёга от солди,
Токи етолмай қолсун босиб кетгон изгача.

БАЙТАЛ

Наззора қилур хурилико юзлари ял-ял,
Лаби тилос, кўзи чарос ёлқини машъал.

Бир ғамза усул қилғониди сўз қота қолдим,
Тўнкаға баҳо бергон каби эснади сал-пал.

Кўксимда кўпуб ғавғо, саёқ итча жунунлиғ,
Изиға тушиб йўрғаладим солмази пайсал.

Ковуши хиром этгониди зарби юракда,
Чикмоқ истаяор гардишинин боқса у ҳар гал.

Бир жойға етуб тилпонини банди гўш этди,
Кўзимни қилиб олма-кесак айлади маҳтал.

Работ қилодур манға дебон йўлиға чиқсам,
Кўзида ажал чақмоғида тўсди бир анбал.

Қопқонға хуруж қилғонини билди камина,
Авровға тушиб, қоматидин тиклади ҳайкал.

Барзанги келиб товонини кунфуға тутди,
Тумшук доминга муштумини айлади сайқал.

Гирдимда кўпиб бир нечаси картмонни шилди,
Алқисса вале итмомини етди бу жанжал.

Бир жойға етиб ёши расо бўлмади Ҳижрат
Картмонга кўшиб носкадини хиртлади байтал.

ТАЖАНГЛАБ

Хилдин кўпаймуш элди юрғон турфа сатанглаб,
Усул қилмуш авомни қорин-киндик яланглаб.

Бул жонивор байталмон, қай охурда боқилгон,
Шантонини ҳам танг қилди орқа-олди таранглаб.

Ҳар томда бир ликотча, қомини олур дажжол,
Ёш пирни жимонға банд қилодур ҳаланглаб.

Кўча-кўйида аҳли шарр изо чекар шармдан,
Текин томоша кўлди, кўзлар алаанг-жалаанглаб.

Қиллар интўрқовоқлаб маҳрам излар жапондин,
Линкалар тилпон қокур олмон, курё, паранглаб.

Дарр жабридин лолу гунг, раммоғчи ҳам фироқда,
Осмон туби тубсиз чоҳ, замин борур заранглаб.

Тиноратни бузмай, деб хонанишиндур Ҳижрат,
Була ичиб муштини газак қилди тажанглаб.

БИТҚАЗИБ

Замона шундоқ бўлди, ҳеч ким боқмас ётқазиб,
Рўсиёми Амриқо, тутмайди нон ўтқазиб.

Қайға борсанг бир хилда хўроз макён излайди,
Синға хўрозқандини биров қўймас тутқазиб.

Неча-неча санамлар солур ўзни бозорға,
Энауллар кун кўрар баданларни сотқазиб.

Олий қошоналарға кўпам суқганиб боқма,
Мирликдор олур ақча тизни лойға ботқазиб.

Бир ёлгонда қирқ ёлгон ваз қилмасанг мижоза,
Барбод бўлур тижорат бор-будингни ютказиб.
Ўғри, муртад бўлмағил, замонга бок, ишни тут,
Пешоб қилсанг масжидга ҳеч ким олмас кутқазиб.
Авжинг борида Ҳижрат Тошканд сори азм қил,
Чала қолгон уйингни кимса бермас битқазиб.

СУЛТОНИМИЗ

Пешласак зоту насаб, кўҳинур вулкониимиз,
Аслимиз давлат талаб кашмири султониимиз.
Нақлимиз шамшири тиф, захридин кимса хароб,
Ҳар нафасда минг қалом домани ултониимиз.
Бизга мойил жумла зот кўшкенимиз арконида,
Бизга дўст бўлгон ҳабиб меҳрига жазмониимиз.

Пул сирот-ул мустақим манзили биздан ўтур,
Кимга дўзах оташи, кимга ҳур - ғилмониимиз.
Кўл етурсак қай томон, кўкка қадар илкимиз,
Шайтонга ўқир тақбир ердаги фармониимиз.

Аҳли ҳимор улуми бадастури сонийдур,
Не-не ақли пешларни аврағай чилтониимиз.

Лавҳул маҳфузани ўқуб, таворихни тафтиш қил,
Ҳом ибн Нуҳ наслидин тарқатган мўлтониимиз.

ҒАРОВ

Битмаган маърақа йўқ топсанг қалов,
Тафти меҳринг ўтига пишғай палов.

Дўсту ёронлар аро мардлик улғу.
Шаҳди йўқ дил гирдинни босғай қиров.

Ҳосилинг мақсулдида кутсанг кўмак,
Дардинга малҳам бўлолмас ас биров.
Гарчи орзу кўшқиди авжинг барор,
Вақт юки бошинг этиб солғай биров.

Сарингта урғай эгар ўжар ҳаёт,
Сал қалам қалтис эса торғай жилов.

Ҳар нафас ҳикматини ўлчовда бил,
Ҳар ишинг ажри учун бўлғай сўров.

Бандани кўйма маломат доғига
Ҳар киши жабри учун бордир тўлов.

Бошинга Ҳижрат шўриш солса рақиб,
Садрини суннат билу айла ғаров.

ЗИНДАГА

Алимиқсодан то абад бўлмас ишониб бандага,
Қанча мард андин сабаб кўйди бошини кундага.

Келмаса тавбига мос, ўз ҳукмига тобев қилур,
Мўрчадай гирдинг олиб солғай танингни рандага.

Минг тазарру зимнида макру ҳамоқат устивор,
Дулидан озурдасан юрсанг ўралиб жандага.

Сал тирашсанг бошинга тўфони Нуҳни ёдирур,
Чорасиз қолганда бад, келгай мақоми саждага.

Ўз талаби жаҳлида шайтон ила улфат бўлур,
Ширк ила мушрик ўлиб, иймониини сотгай муждага.

Лифзи йўқ, рафтори йўқ, бозор бозирғони мисол,
Ҳурмағлак мусичадай ўзини чоғлар соддага.

Илму эрк аҳли мулом чеккай жаҳолат жабрини,
Мушкулнинг рўшноғини Ҳижрат садоғи зиндага.

КҲҲҲ БҲҲҲҲ

Бул газитда ишлагоннинг азали Ҳуқми аён бўлгон,
Ё отилгон, ё сотилгон, ёки умри поён бўлгон.

Ўрис тўра дарағ қилгон, фарибларга мадад қилгон,
Бу шўришлар шилта тортиб, оқ пошшоға баён бўлгон.

Авом элга солиб ҳайрат, жадилларда кўтди ғайрат,
Дағи миллат орузсинда кўрки мулки Турон бўлгон.

Ўтди фурсат жарантоси, битди қуллик ибтилоси,
Эркни қутлаб нур-зиёси, умри пойдор, шоён бўлгон.

Вағе айб этмангиз дўстлар, тўқисда бир қусур бўлгон,
Анинг тирдинда кўп доно, дағи уч-тўрт пиён бўлгон.

Уён бўлгон, буён бўлгон, фойда бўлгон, зиён бўлгон,
Бироқ дом пайин қирқиб, чақурса бир чаён бўлгон.

Дағи кал бошға келмушки, марғал бошида ким бўлгон,
Балки, жамми шўришларга сабаб мўрча миён бўлгон.

Ҳулоса шул: бу амалдин қутулгонға сўйиб жонлик,
Ўлиб-нетмай омон қолгон Ҳижрат қочиб КҲҲҲ бўлгон.

ЎТДАН КҲҲҲ

Ҳамал тафтини КҲҲсаб, ялони ҲУТДАН КҲҲҲ,
Туноҳ-савабони Ўлчаб, Жаброни ЧҲТДАН КҲҲҲ.

Бомдод, шомни эш қилиб, тилни ғулта хеш қилиб,
Муслимликни пеш қилиб, насрони бутдан КҲҲҲ.

Иймон КҲҲтил КҲҲрони, олчоқ замон кайвони,
Бўлма кибор КҲҲбони, чеҳрангни КҲТДАН КҲҲҲ.

Онда ярадли шайтон, Одамга солил пайкон,
Иннога тўли аркон, тўфонни НҲҲдан КҲҲҲ.

Алмасок дунё соқий, бўлмагай умр боқий,
Хоҳ кимҳоб, хоҳ жанда кий, наслингни юртдан КҲҲҲ.

Ҳижрат айтмас билмаса, қул ризқилдир ўлмаса,
Миншини элломмасанг, эшакни ўтдан КҲҲҲ.

ҲАҲТ — ҲИҚМАТ

Ҳаёт — Ҳиқмат, ҳар қадамни ташла англаб,
Алдов ила ўз умрингни КҲҲҲ танглаб.

Ҳақ сўзингни хиёнатга раво қилма,
Алш-охир, санга ажрин берар жамлаб.

Бир фаслдир бошинг узра куёш тафти,
Тилорик кўр, ёзда қишга ўтин ғамлаб.

Эсинг борда этакни йиғ, расолиқда,
Эрта бир кун доғда юрма, кўзни намлаб.

Ақсроқ юр, ғайри ахлоқ, шитообралдин,
Дунё дажжол домн янглиғ ютар ямлаб.

Тарозута посанги бўл, тошни пешла,
Зўр қувса қоч, ёв қочса қув, йўлни чанглаб.

Дели Ҳижрат, қилма нолиш толеъингдин,
Ўта кампир санга бермас чойни дамлаб.

ЧИРМАНДА КҲҲ

Тўн бошласанг, базми талабот чирманда кўп,
Ҳосилинг баравж бўлса, харидор хирмонда кўп.

Маттон ёрлақаса, бошингга кўнғай Ҳумо,
Бу дунда дошни судраб юртувчи шўрмонда кўп.

Моли мардумхур бўлма, маломат арконида,
Ҳаққи ҳалолнинг авло билувчи давронда кўп.
Шикоринг жайрон бўлса, Ғиротдек тулпор танда,
Ўлакса гўшт исини олувчи ўрмонда кўп.

Сўзни сукутта еткур, мисқоли тиллота тенг,
Аҳволдан беҳабар кулгувчи шарманда кўп.

Кўнгли гаштини мулом чароғи Осие қил,
Хушкалои улфату ёр, ой юзи ширмонда кўп.

Итинг мижози, Ҳижрат, ўзингга аён асли,
Бўзага хумор бўлсанг, ақчага зормонда кўп.

БОРМАҒОН ЯХШИ

Айтилмагон жойларга симсиб бормагон яхши,
Дуч келгон дардисарға дардни ёрмагон яхши.

Хурматинг бисёр жойда тавозеъни баланд қил,
Қалринг бўлмагон жойда ётиб-турмагон яхши.

Яхши кўшни эл бўлур, жонга оро ҳар дами,
Ҳамсоянг багтоғ бўлса, кулба курмагон яхши.

Ўлакса излар кузгун, бургутга тенг бўлолмас,
Тўлки, қашқирлар бирла сайда юрмагон яхши.

Ҳар усулга йўрғалаб калтак егандан кўра,
Уч-тўрт улфат жам бўлиб, қозон қавлагон яхши.

Гирдингда олиб давра, итлар ҳуриб тургонда,
Ҳолинг танг бўлса матар, бирга ҳовлагон яхши.

Ҳижрато, дарвиш бўлсанг, кимни санга иши бор,
Бир парини ром қилиб, кўнгли овлагон яхши.

ЕТИШМАЙДИ

Ўлжанимизда ҳалди даврон, бизга лаҳза етишмайди,
Қаршимизда боғи ризвон, ваге, пайса етишмайди.

Ороланур субҳи жонон, куёш кўжда урар хандон,
Ўғиб борар умр чандон, шамъи ғамза етишмайди.

Амжидалур гапу гаштак, пойимизда боғу даштак,
Хуш бўлишга дағи гартак васли равза етишмайди.

Ўнҳор қайтиб кузак бўлди, асо кўлга безак бўлди,
Насимлар елвизак бўлди, болди сабза етишмайди.

Қайда энди айвон тилам, ҳимоланган нозли санам,
Ҳикон фасли яшил олам, гиёҳ-майса етишмайди.

Ҳижрат, хужранг равот бўлди, рақибинг дон Кихот бўлди,
Орингдан сот-ха сот бўлди, санга найза етишмайди.

НИМА ЁЗАР?

Кўй терида бир семириб, неча озар,
Азал ҳукми тақдирингга нима ёзар?

Бўлар элнинг боғалари дардлош бўлар,
Бир-бирига елка тутиб, кенгаш тузар.

Бўлмас элнинг боғалари бебош бўлар,
Бир-бирига тараф тортиб, юртни бузар.

Кўй семирса осилгайдур оёқиндин,
Кул семирса дуч келганини шохлаб сузар.

Тўралари таъма билан тўр солади,
Аҳли авом қайта борса танга чўзар.

Товламачи товлаб олар, юлғич юлиб,
Токи рўзи маҳшаргача қарзни узар.

На молинг, на мартабант бор, магар Хижрат
Вале, хар дам тегрант узра ташла назар.
Узоқроқ юр бу кинтоблар шўришидан,
Якинлашсанг, ўлмасингдан дахма қазар.

ДАВВО БЎЛАКЧА

Қоши қаро, қалди баҳо, давво бўлакча,
Ўзи қалғу тавбаи боҳо, ғавво бўлакча.

Қайта борса гўлҳадди хайкали мумтоз,
Ўғимижоз савгу суҳан, маъно бўлакча.

Атрофида лайчалари - шотиру ботир,
Сув сепеди, гул экади, раъно бўлакча.

Килки фикр, тинглар они тўда гўсола,
Гўшидаги лодону гўр, доно бўлакча.

Жазавада ўлдиради турқи букани,
Хукми матар етса бўлур жавзо бўлакча.

Эл кўзича лоф уради ғамхори бардор,
Эл кўзидан шамғалати савдо бўлакча.

Хижрат деди сув бошида тоқай бу ҳаннос,
Фитна кўпиб бир кун бўлур расво бўлакча.

ЛАГАНБАРДОР

Нечук бунча бу шўр мардум ўч пахтага,
Чунки бари чикмоқ истар сартахтага.

Бандга тортиб ўнгу сўлни тўғон қилур,
Бир қарашда ўхшаб кетар иш пухтага.

Ширин авраб олар сирни, топар кирни,
Сўнгра сени алдаб кетар ўч қартага.

Ғап юртизар, ғийбат қилар, тухмат қилар,
Тумшугингни келтиради дуъ нўхтага.

Кўндоғида танглайига қаро тушган,
Эмди тинмас тортилгунча чортахтага.

Бу қаждумлар тоқайгача солур ғавво,
Томчи тошни ўар тушса бир нуқтага.

Хижрат, носни зое қилма, бетига бос,
Сўнг пешоб қил, бу ҳам қамдир гўрсўхтага.

ВАҚТИНЧАЛИК

Кўпириб хов-ховлағон авутинг вақтинчалик,
Сиртига жез қоллағон совутинг вақтинчалик.

Неки бор, ўткинчидир, савдон давворада,
Елканда ялтиллағон мовутинг вақтинчалик.

Арқонинг олиймақом, пойингда тўртта ғулом,
Қўхинура менгағон ёкутинг вақтинчалик.

Харомдин қилмай ҳазар, ютгоним авло дединг,
Қаратонда гуллағон шотутинг вақтинчалик.

Хашинги такрори йўқ, хукминга ой мунтазир,
Хирс ила дағи солғон човутинг вақтинчалик.

Очик кетгон чашмини тўлдирур бир кафт тулпроқ,
Елиб-йўртиб тоғонинг, бор-будинг вақтинчалик.

Оре, гуноҳкор Хижрат, ўзинг тавфиқ ато эт,
Сўнги йўлга кетурда тобутинг вақтинчалик.

ИЧБУРМАСИ

Қилди ўсал қаппалаган ичсурмаси,
Исканжага олди тамом ичбурмаси.

Моки бўлдим икки хужра аросинда,
Ҳолохона бўлди фақир тоштурмаси.

Наша урдим, рўза тутдим, давоси йўқ,
Етмай қолди "Капитал"нинг усткуртмаси.

Сўнг эсладим: қайдан қўлди балойи жон,
Ичми бўзган балки бозор қовурмаси.

Озиб-тўзим ҳафта ичра ҳинду чолдек,
Бўртиб қолди аканг кўқир қовурғаси.

Нўш қилувдик омухтада ҳар сабилдин,
Балки дилга ботмағондур шовурмаси.

Текин таом тешиб чикар, аё Ҳижрат,
Нафсинг тийиб, табибга бор кеч бўлмаси.

ИШКАЛ

Қичмаси бошдин-товон қилди ўсал,
Фақир мулзам, қамровига олди касал.

Бошдин ўтгон билур бу дард нелигини,
Моматалоқ тери туси бўлди дағал.

Қашламадан дўмбирадай шишди бадан,
Тўшак ботар босилгондай тўрт қоп шағал.

Бу ҳолима дўсту ағёр кулар бўлди,
Фалат дардга даво истаб қилдим жадал.

Садоқаға улоқни хомталаш қилдим,
Ҳасан табиб жонга оро кирди сағал.

Қай гуноҳим мани бундоқ кўйға солди,
Чилла тортиб ўлтиргоним бўлди бадал.

Не тановул қилди Ҳижрат, бунча ишқал,
Алამини майдин олиб битди ғазал.

УЙ МОЖАРОСИ

Отам замон бир кулба курғон эдим амаллаб,
Жами ёру биродар берғон эди тамаллаб.

Пахса уриб, лой тепиб, озиб-тўзим тозилдай,
Чилла қолгон деворни суваб чиқдим жадаллаб.

Олис сафар чоғинда уйни кўйдим қаровга,
Мушлат ўтиб маконга қайтдим анча ҳаллалаб.

Дарвозадин кўймали банд айлагон бир байтал,
Гаврон олиб қувлади бақир-чақир, мағаллаб.

Занон деди, бу кулба харид бўлгон маҳримга,
Ақча тўлаб муздини манга берғон қамаллаб.

Дуруқ гапзада қилма, десам ёлни ётқазиб,
Фақирни мулзам қилиб, қароз ёзди ғарамлаб.

Кўшам ўтди, қавс ўтди, саёқ итдек кўнним йўқ,
Кулбани можароси кетди алпамҳаллаб.

Ҳижрат, уйинг важҳидин умринг ўтур кўноқда,
Уриб турғил бўздин, тағин қолма шамоллаб.

ШИЙПОН

Аё дўстлар, тулар манзил бўлди шийпон,
Гир тарафи хувиллагон очик майдон.

Унда яшар тўртта мардак, икки кўппак,
Фақирда ҳам якка хужра, дағи айвон.

Кантариғлиқ тулар бунда турфа ашё,
Икки тулпор, аъроба-ю кўшша файтон.

Бардо кўшиб терт қоради нўғой мардак,
Бўрдоқига етилади тўртга ҳайвон.

На юришда, на туришда ҳаловат бор,
Саҳармардон чиқиб қайтум қилиб хуфтон.

Тоқай давом этгай экан бу сарсонлиқ,
Жонга тетмиш кунда шунда бўлиш меҳмон.

Ҳижрат, сабр адоғинда ёруғлиқ бор,
Бир кун келиб, кулбағни тарқ этар шайтон.

БОЗИНГГА БОЗ

Билмалимки, қай хунасо қилди зуғум,
Ман кутмағон пистирмадин бўлди хужум.

Ойни нисби қаро бўлса, нисби ёрқин,
Демуш таскин бериб дилга аҳли нўжум.

Исковучдек тафтиш этди мани аёғр,
Лойға қормоқ жаҳди бўлди икки юзум.

Жаъми таъбил бўлур воқеъ ҳаққу холдин,
Феъли сакбин зери тодин бўлди гужум.

Фалокатдин холи бўлгон фақир хушҳол,
Буй бермағон ишқомиди қолди узум.

Мандан не ваз топди тўнбош тўнни тинтиб,
Бир белбоққа жо бўлодир бору йўғум.

Ҳижрат Або Муслим киби солди сурон,
Бозингга боз, гуррагинга дебдур муғум.

РАУФ ПАРФИ ЁДИ

Уриб турган юрак зарби,
Беҳаловат шоир қалби,
Алифбонинг кўтуғу ҳарфи —
Тимсоғилдир Рауф Парфи.

Замин-замон кўлқасида,
Сўз залвори елқасида,
Туркий олам ўлқасида
Ҳилоғилдир Рауф Парфи.

Сўзи шамшир каби кестан,
Кўнгли тоғлар каби ўстан,
Хурриятнинг сарин эсан
Шамоғилдир Рауф Парфи.

Шеърятта пайваста тил,
Раиятта вобаста дил,
Ишқ аҳлига мисли Бедил —
Нихоғилдир Рауф Парфи.

Ёнар сўзи асл чакмоқ,
Сатрлари яшил япроқ,
Кўналғаси она тулпроқ,
Зилоғилдир Рауф Парфи.

Хаёт билан ҳақиқатнинг,
Баёт билан тарикатнинг,
Шойистаю фарикатнинг
Висоғилдир Рауф Парфи.

Аҳли улус далолати,
Калимаи шаҳодати,
Тирикликнинг ибодати —
Савоғилдир Рауф Парфи.

ЭТАКНИ ТОРТ

Бир мажалла манга хилмат раво кўрмуш,
Фило бўлсам, фаровонлиқ бўлур турмуш.

Каломда шундайин келмуш, корда айб йўқ,
Шитоб қилдим, авжим барор, ишим юрмуш.

Сунбула-ю мезон ўтди рўшноликда,
Дигар баъдаз чархи фалак юзин бурмуш.

Демушларким, бу қандоқ кас, келгон чаро,
Турфа гап-сўз ила бошлиқ изо бермуш.

Фитна-ғийбат тугаб эрмай ҳали бундоқ,
Кўчабошда дайди кўппак манга хурмуш.

Карвон ўтур, учрагон ит хурғай десам,
Бу карвонни тарк этмасам, алар зўрмуш.

Лошим суриб кетар бўлсам, кўчам-ойдин,
Магар ҳар кўйга солғаймуш, тили бирмуш.

Деди Хижрат, эсинг борда этакни торт,
Толегингда кўёш бўлса, кўпшир юмуш.

ЮЛДУЗИМНИ ИЗЛАДИМ

Бул фано туфрокида хур сўзимни изладим,
Ул само яфрокида ой юзимни изладим.

Шикаста дилман гирён, ҳажрида бўлдим сарсон,
Шакарғуфтори бийрон, ёлғизимни изладим.

Танимга тушмиш савдо, жунбушта келмиш ғавго,
Чарх уриб фасли ялдо, кундузимни изладим.

Муштарий бунча йироқ, хилол кўкдаги сўроқ,
Кўксимга тушли фироқ, юлдузимни изладим.

Пайкондек камон ёйга, умримиз кўар пойга,
Келиб кетурмиз қайта, дил розимни изладим.

Насимдир хуш ифори, дилни ўртаг хумори,
Кўксимда ишк тумори, ялғизимни изладим.

Хижрат дер жунун ичра, минг турфа қонун ичра,
Ул чархи гардун ичра мен ўзимни изладим.

ШОИРДАН НЕ ОЛАСАН?

Ғавғонг оламни бузар, шовқинга тўли гузар,
Бунча от солиб хумтар, шоирдан не оласан?

Жантоҳта дўнди майдон, ёдирдинг турфа пайкон,
Дўли рафторли шайтон, шоирдан не оласан?

Сандек номдор сўқим йўқ, фаросатда муқим йўқ,
Елкангга бир тўқим йўқ, шоирдан не оласан?

Мол-амалдан кўп таъманг, гоҳ хўжасан, гоҳ маззанг,
Бисёр кўрсатган нағманг, шоирдан не оласан?

Варз ўқийсан ылаванг, куруқ чопар араванг,
Жонга тегли жазаванг, шоирдан не оласан?

Хашам-маишат тайин, семирасан кун сайин,
Сента жон бермоқ қийин, шоирдан не оласан?

Бирлашса уч-тўрт нодон, оқилни қилур сарсон,
Таовда қолур карвон, шоирдан не оласан?

Хулудан шафиқ тила, ўзингга тавфиқ тила,
Қуйган охираг ила, шоирдан не оласан?

Хижрат сабрида муқим, ёр ишқида йўқ ҳукм,
Ундан ўзга йўқ юким, шоирдан не оласан?!

ҚИСМАСИН

Мартабанг бўлмас матар, энү бўйлан қисмасин,
Дабабанг бўлмас эса, рангу рўйдан қисмасин.

Мол йигиб, мансаб қувиб, хилқатинг шайми адо,
Улфату бир кафтча ош, нону чойдан қисмасин.

Қанча олсанг рафтини, вазнидан елканг янгр,
Дунё-ю-дарёни кўй, жилға-сойдан қисмасин.

Юрма хушторлиқ ила, банди по ҳар рилтаси,
Ул чаман гулзор аро, қоши ёйдан қисмасин.

Хур туғилдинг, хур сўзинг хок аро саргаштадир,
Қир-адирлар лоласи, жону жойдан қисмасин.

Шул ёруғ олам аро умридин ўтсин ризо,
Банди давворани базму тўйдан қисмасин.

Ҳижрат гуноҳкор банданг, ажри эмди не бўлур,
Охиратда икки газ хоку пойдан қисмасин.

ДУРУСТ

Аввало ҳар кимса ўз қадрига етган дуруст,
Қадрини топмас эса, даврадан кетган дуруст.

Ҳар мақомда от суриб, бози чавгон бўлмағил,
Зукко бир ақли расо липласин тутган дуруст.

Тўрт мучанг бўлса тутал, жаҳд қилиб ризқингни йиғ,
Топганинг оши ҳалол, лужмани ютган дуруст.

Нотавон иснод ила чапласа шайнингга доғ,
Шайламай шамишу тиф, охирин кутган дуруст.

Хоншодор бўлсанг матар тақдири рўшно тила,
Ўшна бўлгандан кўра, беҳотин ўтган дуруст.

Ўрдига олса тамом йиғнашиб турфа авом,
Оғинга айри солиб, ортидан тепган дуруст.

Жонсарақ жоҳилни кўй, ҳақ жазоси бор анга,
Ҳижрато ундан кўра машқини битган дуруст.

ДОВДИР ҚИЛУР

Ҳаққи ҳозик неки қилса, ҳалдини соҳир қилур,
Қатрага оламни жамлаб, мўъжиза содир қилур.

Биндаси алдов-хиёнат комида комрон яшар,
Сиртига сийратни жуфтлаб, афтида зоҳир қилур.

Юз кароликдан ёмон йўқ аҳли иймон олтида,
Аъмолида неки бўлса, шайнига носир қилур.

Гаввораи чархи даврон измидан айро эмас,
Яшита раҳматни пешлаб собиру моҳир қилур.

Минг бағололиғлар ичинда созлагай пайровини,
"Ал ҳаё-ю минал иймон" шаклини чодир қилур.

Асли наслида неқбинлик зуҳри йўқ шайтон касе,
Чалғитиб муслимни диндан қотилу копир қилур.

Матар турқида кўрк бўлса, аъмолида баъд жимо,
Ато айлаб тутал давлат, бир хато қосир қилур.

Хуқми аро не хатолик хасмига раво бўлди,
Токай эмди аҳли ҳаннос Ҳижратни довдир қилур?

ТАРОЗУ

Яраттан тарозуга шайин қилиб қўйипти,
Ҳар банда аъмолини тайин қилиб қўйипти.

Иймон умр кўрғони, олган бўлсанг дуони,
Йўлингга туллар тўшаб, майин қилиб қўйипти.

Ҳар ким қилгай ўзига, нуқси уртай юзига,
Нобакорни шайтону лаъин қилиб қўйипти.

Халқи бешумор даврон, биров тунд, биров комрон,
Телба-ю девонани раъйин қилиб қўйипти.

Кимга ризку рўз берган, кимга парча бўз берган,
Бировга давлат бериб, камин қилиб қўйипти.

Фариқан раҳматни, шойистан жаннатни,
Аросату дўзахни таъмин қилиб қўйипти.

Ҳижрат, қай бир йўлдасан, на соғу на телбасан,
Азал феъли-хўйингги ғамин қилиб қўйипти.

БАРАКАДАЙ

Ўтиб борар умр ботмон баракадай,
Ҳар субҳи-шом мисли сўнгги маъракадай.

Ичдинг, чекдинг, саёқ юрдинг, ялпо қилдинг,
Кўркинг кетиб, тананг қотди тарақалдай.

Яхши кўрдинг, ёмон кўрдинг, ризқни тердинг,
Неки қилдинг, аҳвол шунга ярашаддай.

Ота-онанг бағрида шод-хандон эдинг,
Фалдор ҳаёт сикта тортди баррачадай.

Алиф қалдинг буқли рўзғори мағора,
Адо қилди жуфтинг ўтмас аррачадай.

Қайдан келиб қайта кетар қадим қарвон,
Тахир тақдир туйнуги йўқ дарачадай.

Тўзон бўлдинг, хазон бўлдинг, матар билдинг,
Фалак измида ҳукминг йўқ заррачадай.

На май қолди, на сафоси, бўлиб ҳайрон,
Ҳижрат турар тўрт томони чорраҳадай.

ҒАНИМАТ

Булбули салпорага гулигузор ғанимат,
Ошиқи давворага рўйи гулзор ғанимат.

Шуқуфта наззора бўл, гардунда сайёра бўл,
Марду-майдонлар аро дўсту дийдор ғанимат.

Ҳикмат бил ҳар нафасни, баҳри мўъжиза асли,
Бешумор мардум аро лайли наҳор ғанимат.

Бу қудрат аёнига, гувоҳ йўқ поёнига,
Изоҳ йўқ баёнига, васли дилдор ғанимат.

Ҳабибга ошно азиз, нияти рўшно азиз,
Улфату ёр аҳлига аҳли рафтор ғанимат.

Кўргил, яралдинг надан, ҳар жон омонат маъдан,
Баҳри уммул ичинда васфи жаббор ғанимат.

Ҳижрат майдин шикаста, ичмоқни қилди баста,
Лаъли лабингдан жоно, шакарғуфтор ғанимат.

ЧИРОҚ ЭРМИШ

Тушимда кўринган ул ой чироқ эрмиш,
Ҳали навраста қадди ёй ўроқ эрмиш.

Лавхул маҳфуз салосига кулоқ тутсам,
Бани одам умри куроқ-куроқ эрмиш.

Заминдин то гардун қадар қамар янглиғ,
Тажаллий нурида баққан Буроқ эрмиш.

Қалом илмига ҳад солмоқ азоб асли,
Кўлимда ҳар лафзи шамшир - яроқ эрмиш.

Ёнимда солланиб турмиш малаксиймбар,
Анга жоним зебигардон, тароқ эрмиш.

Қаро тортиб ғалат тушдан кўзин очса,
Ҳижратга сўйканиб турган бароқ эрмиш.

ЭЙ ГҮЛ

Иккимизга эй гүл, кўшқу равоқ бўлса,
Хилватнишин май-у тансиқ таом бўлса.

Чучумомадар кулиб ўтса кўзларингдан,
Қизғалдоқлар чехранг узра ёноқ бўлса.

Сархуш ўлсам мушки анбар бўйларингдан,
Бошимизда юлдузлардан чироқ бўлса.

Сийпаб ўтса сочларингни сарин эпкин,
Бизга аяёр айтган майса, қиёқ бўлса.

Булбули хониши янглиғ юрак куйлаб,
Кўлингдан ичғали майгун дудоқ бўлса.

Ишқи оташ жавҳаридин ташна кўнгли,
Таранг тортилган ёй, пайкон садоқ бўлса.

Шу байтни битди-ю Ҳижрат толди ўйга,
Қочар қайга хотин кўйган тузоқ бўлса.

ТОПИЛМАЙДҮР

Замона саҳнида рострав сотилмайдур,
Йўлини топгани эллаб отилмайдур.

Сен-эй лодон, манга айтма ширин ёлгон,
Яхши одам тўғри гапни шопирмайдур.

Фалончининг феъли ганда, жиним суймас,
Мани лафзимга мудом терс, кўшилмайдур.

Кимни кўрса, оғиб кетгай фалон лақма,
Фалончи зўр, манга қарши гапирмайдур.

Фалончини заданг сўқдим, дами чикмас,
Жилга бўлса, мушглашишга чақирмайдур.

Фалон байтал айғиридан қолмиш сабил,
Фалончини ситири ҳеч бақирмайдур.

Фалон ўлпоқ, фалон сўлпоқ, фалон маймоқ,
Боз устига дарвозаси ёпилмайдур.

Гапимни тинглатил лодон, мудровни куй,
Мани сўзимни олган кас қоқилмайдур.

Гапимга гар боваринг йўқ, сўра мандан,
Матар биздек марду майдон топилмайдур.

МАРҲАБО

Фурбатга ғариб ўлсанг, чехранг бўлур қаҳрабо,
Ватанда ҳабиб ўлғай хешу улфат, ақрабо.

Ишқи оташ жаҳдида ул мунтаҳо на бўлғай,
Ёр васига етишди дийдор истаб Машрабо.

Иброҳим қурғон ул уй Қавбаи муаззама,
Қавба қурма, кўнглиг топ, шудир эзгу матлабо.

Пули сиротдир асли тириклик чағиртоши,
Бандаи ношукруни муслим қилур чархлабо.

Жаннат эшигин истаб аросат куюнида,
Муздини тўлолмассан бор мулкингни нархлабо.

Ҳар сониянг, ҳар лаҳзанг рушди ҳилоф ўлсин,
Хурлар хилматда бўлур иймонингни сақлабо.

Боқий жиҳолда дуйно шайтону раҳмон ила,
Одамни азиз қилди лавҳ ул-маҳфуз хатлабо.

Яхши-ёмон дам борки, бир кун тоғар интиҳо,
Ложарам, ўтғай бари, Ҳижрат кетдинг ўтлабо.

Қатраи дурдин сани нақши-нитор қилибдур,
Бу оламга келганинг кутлуғ бўлсин, марҳабо!

ТАТАР ҚИЛМИШ

Азал соҳиблари шундоқ хабар қилмиш,
Жами махлуклар сарварин башар қилмиш.

Бадарға бўлгон ул шайтон даме пойлаб,
Одам Ато орқасидин сафар қилмиш.

Уни қайраб, бўни авраб сурон солмиш,
Бани одам ўртасинда хатар қилмиш.

Жами шўриш-у вовайто азал шундан,
Тириклик тафтини ғорат, батар қилмиш.

Тавбага келмеди банда бу аъмолин,
Шайтонга ағлариб айбони бақар қилмиш.

Ўзига хуш хуружлардин қилиб кўрғон,
Қолғонини тамом наҳйи мункар қилмиш.

Этак силкиб қочди шайтон шу ваҷҳидин,
Шайтонга дарс бериб они фатар қилмиш.

Дели Ҳижрат, бул энагар қандай баҳо,
Бу бадхўйлар мани баттар татар қилмиш.

САВДОНИ КҮРИНГ

Коматида нур ёнади, жилвони кўринг,
Бўйида гул уйғонади, ишвони кўринг.

Солланиди соч сунбулти ғамзада бот-бот,
Ман адо-и дод булбули, телбони кўринг.

Наргис кўзига бўлдим изо настарин янглиғ,
Жонимға ўт солди ғизо, ғалвони кўринг.

Лола ила баҳслашди икки ёноғи,
Қош киприги жуфтлашди, хулвони кўринг.

Сув тутали кафтларида ғамзаи айёр,
Дил оқали тафтларида, жавзони кўринг.

Дулоғи гул хандонидур, шаккари маҳваш,
Нигоҳи дил зиндонидур, савдони кўринг.

Не хуружи бўлса Ҳижрат, ичилини ўтди,
Ишқини фош қилди сийрат, расовони кўринг.

ОТМАҒУНЧА

Чавандоз хавфни сезмас улоқда чоппағунча,
Кутурун кўппак тинмас кимсани копмағунча.

Шайтонни рожийм нурдин бино бўлгон аслида,
Одамни бўзди жаннат эшигин ёппағунча.

Шундан бўзилди қони маҳшаргача то абал,
Шайтоний усул қилур айвонда ётмағунча.

Билдирмағай кўнглини, бу тобутда не зоҳир,
Кучиб қалайдур ханжар, суякка ботмағунча.

Кўрки, кул Аҳмад айтмиш, баттол қирдикор банда,
Кўнглига ором келмас, қавмини сотмағунча.

Кутмағил андин шафё, толёғи аламбардор,
Қирдикори шул эрур то ҳаром қотмағунча.

Ҳаргиз куйинма Ҳижрат, майхўрлик андин авло,
Ҳижрон ўтида жонинг, магар тонг отмағунча.

БИЛМАДИНГ ҲАРГИЗ

Ўтди умринг жаҳолатда, саждани билмадинг Ҳаргиз,
Мудом юрдинг залолатда, бандани билмадинг Ҳаргиз.

Меҳробинг бўлди мол-давлат, хиёнат, алдову савлат,
Иймонингни босди ғафлат, Қабани билмадинг Ҳаргиз.

Нафси амморадир кўшқинг, чархи давворадир ашқинг,
Савби сайёрадир ишқинг, пардани билмадинг Ҳаргиз.

Балоларга дучор бўлдинг, эл ичра шармисор бўлдинг,
Шайтонга мардикор бўлдинг, муждани билмадинг Ҳаргиз.

Савлат кетиб соқов бўлдинг, ёлғиз яккамохов бўлдинг,
Асов эрдинг, қосов бўлдинг, зарбани билмадинг Ҳаргиз.

Мақоминг қирчанги дўлта, ортингда қолди кўп шигта,
Бошингда хунхор ойболта, қундани билмадинг Ҳаргиз.

Ношуккурда қаноат йўқ, иймондан аъло давлат йўқ,
Ҳижрат қимда саодат йўқ, тавбага келмади Ҳаргиз.

ЎРТАСИНДА

Бошингда қанча шўриш бор еру осмон ўртасида,
Ғалат ишларни кўриш бор, сару поён ўртасинда.

Ўз уйимга ўзим сиғмай, тўрт фасл дарбадар бўлдим,
Дағи итлар хуриб турди кўшқу зиндон ўртасинда.

Деди завжаи байталмон, бу уйни сотиб олгонман,
Мани маҳримга бош суқма, икки шайтон ўртасинда.

Қози-ю миршабга борғум, шахд ила сурхо-сур қилғум,
Кўш бачамни қузур қилғум, олиб сотгон ўртасинда.

Кўринг эмди фақир хайрон, қози-миршаб ичра гирён,
Жангу мағал кўпди гўё япон-тирмон ўртасинда.

Ҳужмфармо қилди қози, ишта тушди тош-тарози,
Ким рози-ю ким норози, кулба қурун ўртасинда.

Деди завжа, қамал қилдинг, қозиға ҳам амал қилдинг,
Мани эсру забар қилдинг, шубҳа-ғумон ўртасинда.

Ҳижрат тавба қилди демай, ақча сочди сомса емай,
Ушбу қисса яқун тоғли марду занон ўртасинда.

МАКР БАЁНИ

Калом етмас макри одам баёнига,
Панд беради етти фалак шайтоннига.

Эпин топса ўт қалайди товонингта,
Яксон қилар дучор бўлсанг гумоннига.

Фитна ила бўҳтон тўқиб иғво қилур,
Илон каби тортаверар домоннига.

Оқил эрсанг, бўғдойнига шерик бўлма,
Теринг шилиб, шерик қилар сомоннига.

Тўғри сўзга тўққанинг ҳам ёвлашади,
Солиб отар сани Аржун камоннига.

Ер таллашиб кўзи тўймас лўхтақбози,
Охир борар қаро ернинг оромнига.

Молу амал кутуртирар авбошини,
У ҳам бир кун тушар заққум маромнига.

Аъмолига ҳар ким олар Ҳақ ажрини,
Ҳақи ҳаққа, ҳаром тортар ҳаромнига.

Нафси жоҳил ичра адо бўлди банди,
Фофил ўтди, етди умри поёнига.

КИМ БЎЛДИНГ?

Келиб дуйно севинчиға бамисли полапон бўлдинг,
Ажиб ҳайрат лисонида чароғи хонадон бўлдинг.

Фароғатда униб-ўсдинг, наволарга тўлди кўксинг,
Онқадар кўп эди дўстинг, гунон бўлдинг, дўнон бўлдинг.

Ёшлигинида эдинг думбўл, киёфанг хуш, забон бўлбўл,
Амал сартахтида дуллўл, фезли кажрав қобон бўлдинг.

Шараф топлдинг бўлиб думча, таҳи дўлча, таҳи хумча,
Ишлатиб тешаю-лўмча, Рум қайсари юнон бўлдинг.

Восвосмисан, ханносмисан, олий ҳарами хосмисан,
Қоқбошмисан, жунбошмисан, ботил макр жимон бўлдинг.

Рақибни ўнг келса отдинг, ўзингдан зўр келса сотдинг,
Авал охир шул ҳаётинг ила бадном ёмон бўлдинг.

Дели Ҳижрат, шуми тошган қадринг баҳоси, ким бўлдинг?
Фаришта чехрали шайтон маҳрида ломакон бўлдинг.

ҚАРЗДОР КЎРИНМА

Душманинг кўзига ночор кўринма,
Ёвни дўст қилишга зинҳор уринма.

Дўсти солиқчида ўзингдан пеш йўқ,
Кимсатга ёвлашиб, ғалдор кўринма.

Шайтон зикридаги мулоийим яғмо,
Кўзимга фаришта рафтор кўринма.

Кўртил, ҳар гиёҳнинг ўз меҳроби бор,
Гулга озор бериб, хунҳор кўринма.

Нафста такво қилиб, оҳордан қолдинг,
Пешво пешбандида зуннор кўринма.

Ҳаромга урчитма умринг тафтини,
Жаҳолат кўшкида бардор кўринма.

Искандар масъи гарчи мақоминг,
Гуноҳкор бандата жаббор кўринма.

Ҳақдан жон қарзини тақомил айла,
Фано бўстонида қарздор кўринма!

ЗАКОТИМДА

Қочди ором, қолди умрим талотўмда,
Жоним ҳалак, итлар изғир равотимда.

Абутуроб бўлдим ватан ҳижратинда,
Фавсулаъзам сукути бор саботимда.

Кулоқ тутсам, дилим сокин сабр ичра,
Самандарқуш тафти тулҳан қанотимда.

Неки кечса, ўтди байтул тузоримдан,
Шарҳи баён рўзи қалам-давотимда.

Кул ўлмаса, ризқи бисёр фано ичра,
Яратганинг ажри сарқор нажотимда.

Сен эй дажжол, рафторингга аён макринг,
Бадр жанги шиддати бор ғазотимда.

Банда қанча жабр кўрса, шунча хурдир,
Садаф янглиғ тоқатим бор закотимда.

НОЛИМА

Кўнглингга озор етурса, ул кишидан нолима,
Тийнати олуда оғу олқишидан нолима.

Издиҳом рўзинда тақво, мулкида тақбир риё,
Турланар турли усулда, ранг-тусидан нолима.

Искандар ойинасидан толейингга йўқ нажот,
Фитнакор қурбони қисмат кўзгусидан нолима.

Учраса нокас йўлингга, устихонингги фажир,
Нафсида ажлар мақоми, улгисидан нолима.

Зоҳири дўстона дилхуш, кўз қарошида фидо,
Хислати макрида пинҳон, кулгусидан нолима.

Ёғлашур гирлингга яғмо, кўр жаҳолат базминни,
Аъмоли қирчанги ҳиммор тепкисидан нолима.

Гарчи кўп ноқислик Ҳижрат, бу ғалат сайёрада,
Қашқири бисёр чаманда тулкисидан нолима.

ТЎФОНИДАН

Неча сув тўфониди қолмиш бу дар буҳронидан,
Неча қавм ўт қомиди ёнмиш башар куфронидан.

Нух набий ўз қавминин минг йилча даъват айлади,
Саксони муслим ўлиб, жон сақламиш тўфонидан.

Паҳлавон Маҳмуд каби жоним синов гирдобиди,
Гарчи Нух эрмасди ул, минг тўфон ўтди жонидан.

Мулки харрос ҳирсида Қорулни ер ютмиш тирик,
Мосуво бўлди авом, баднафс ила иймонидан.

Бўлма бунча жонсарақ, жоҳил учун инсоф тилаб,
Тавбага келмас ҳариф, кўрқмай ажал зиндонидан.

Сару по қузғун мижоз, иблис билан вобастадир,
Оқибат жон муздини қилгай талаб қурбонидан.

Чекинур зулмат балар, Ҳижрат куёшли кун улғу,
Минг тўфон бўлса магар, ўтгай чақин Яздонидан.

ТҮНКАЛАР

Икки жоҳил бирлашса, битта оқил янчилар,
Яхши кўнгли кирлашса, елканга тиг санчилар.

Сал бўш кўйсанг жилови, этарлайди улови,
Жонга солар буровни, шайтонга малайчилар.

Чағир кўзи қонгалаш, қилар сента ёвқараш,
Гуштинг бўлар хомгалаш, сўнгатингни парчалар.

Жин чиққандай тиқиндан, аврар узоқ яқиндан,
Даф қилмасанг биқиндан очар алҳол дарчалар.

Босим қилар рўзингта, мил тортади кўзингта,
Кун бермайдил ўзингта отин бўлган фарчалар.

Кайта борса довуллаб, йўл топади совуллаб,
Атрофида жовуллаб хуриб турар лайчалар.

Ранги ўлакса бенур, дами кўланса гўсхўр,
Ошнаси шайтон эрур даяос рафтор нарчалар.

Ичи курум ҳасаддан, фитна анкир жасаддан,
Чиққан каби лаҳаддан кекирдати найчалар.

Рост гапни ёлгон қилар, ошингни ёвгон қилар,
Қулоққа дағмон илар ҳантраб юртан харчалар.

Токайтча тилкалар бу танингни тўнкалар,
Ҳижрат, кўйсанг елкалар ватанингни мўрчалар.

БАҲРИ ИШҚ

Ҳозикун ҳамёрасан, шавқатингдан, баҳри ишқ,
Бенасио қилма мани, раҳматингдан, баҳри ишқ.

Аҳоринг хуристу хосатил-хосса мақом,
Ҳар тўқисда ёр зуҳур, санъатингдан, баҳри ишқ.

Ўн секиз минг мамолик дайр аро ҳукмингдадур,
Ҳар гиёҳ, ҳар сабзага захматингдан, баҳри ишқ.

Жумлаи ажри вафо мулкида сидрат ниҳон,
Бандани тутма дариф, шафқатингдан, баҳри ишқ.

От суриб майдон аро фарзани банд этмиш сипоҳ,
Гардида шоҳ танг эмиш, шоҳмотингдан, баҳри ишқ.

Кавкабингда минг фано, раҳматингда бир бақо,
Дил тажаллий фарқида, талъатингдан, баҳри ишқ.

Тобакай Ҳижрат қарам бўлғуси хотунига,
Бошига ёлпир патир, чалпакингда, баҳри ишқ.

ЧОРИНГНИ УНУТМА

Уммонда нажот пойлаб, икки кемани тутма,
Икки кўнгни овлаб, ўлжа баҳридан ўтма.

Дўсту-ёр ўртасинда ўз қадрингни улуғ тут,
Овсар доно бўлар деб донни хирмонда кутма.

Ҳар усулда дов солиб, бурдинг кетмасин элда,
Оққа қарони чаплаб, бетта қарони суртма.

Нафсингта бўлсанг голиб, кўнглини роҳати шу,
Умрингни сароб айлаб, беҳудла оғу ютма.

Ҳар бандлага ўлговни бериб қўйган азалдан,
Бир кун келиб ҳачир ҳам тулпор бўлар деб йўртма.

Сарвари оламини кўр, фақирлар фаҳри қисс,
Гар Сулаймон тахтида шоҳсан, гадони туртма.

Ҳижрат, кеча ким эдинг, қаён боргунг қўлдайинб,
Зарбоф хирқада бўлсанг, чорингитни унутма.

БАРДОРДА

Ҳалқи Ҳудо турли хулқу атворда,
Таврифита сўз топилмас атторда.

Оқил аён нури раҳмон тафтида,
Жоҳил аён турқи шайтон рафторда.

Оқил билан рўшнолик бор йўлингда,
Юкинг қолмас норинг бўлса қаторда.

Жоҳил жонга баҳо бўлар ёвушсанг,
Теринг шилиб, сомон тикар бардорда.

Ошиқ эрсанг, ишқ йўлидир жаҳоннинг,
Жисми руҳинг ором топар шарорда.

Ризойи руҳ, санойи ишқ, илми ҳол,
Таважжуҳи ул хожан Аҳорда.

Ал-фақиру фаҳри уммат ризоси,
Шул сабабдин аҳли ориф бардорда.

ТИЛ УСТИДА

Барча ғавғойи шўриш, шўр замин бил устида,
Бандаси ғорат қилур, кўр, обу тил устида.

Афтида макри зуҳур, шум ҳаёт босмиш муҳр,
Беқадр ўтмиш умр, мисли кўз мил устида.

Неча дунё эврилиб, неча эл кетди келиб,
Ерда тўфон барқ ўлиб, тошди сув Нил устида.

Заҳри қаттолдир ўзи, мор каби аврар сўзи,
Ҳирс адоватда кўзи, иш кўрар тил устида.

Фикратида шарр-жимо, сайъатида минг зино,
Қисмати мавт ул-фано, билмагай фил устида.

Айланур кўглам-кузак, дилга қил Ҳақни безак,
Кўр, фалакда ойкезак, ўртанур йил устида.

Гарчи Ҳижрат кўп ғаминг, ўчмасин ёккан шаминг,
Бил ғанимат ҳар даминг, ҳар нафас қил устида.

ОҚИБАТ

Бу фалак мулки азал буюхона келмиш оқибат,
Йўтидо-ю-интиҳо Язона келмиш оқибат.

Жаннатий эрди Одам, тушди талотўм домифа,
Нафсида дўзах ўти, шайтона келмиш оқибат.

Неча бор тоғлар чўжиб, бўлди само ер чоҳида,
Исрофил сурин чалиб, қурбона келмиш оқибат.

Зери по бўлди жаҳон, келмас қарор тавбасига,
Нух набий қавми ажаб тўфона келмиш оқибат.

Садрида хирсу хижоб, жоҳил жаҳолат равтани,
Фитнасинин аҳли эл ларзона келмиш оқибат.

Неки қилиди бандаси, олди мукофот ё жазо,
Ажрига қасди баҳо, меҳмона келмиш оқибат.

Бу кўсур маҳшаргача Ҳижрат, қиёматдин нишон,
Шул сабабдин фанога мастона келмиш оқибат.

КУШОЙИШДАЙ

Фасл ўтди гузоримдан қаро тушдай,
Аср ўтди хира тортган аёз қишдай.

Изни олган исковучдай кунлар ўтди,
Юракларда бахт ифори фаромушдай.

Булут янглиғ само тоқи қарға-қузғун,
Учди кўнгли қизғалдоғи Ҳумо кушдай.

Билмалимки, гирбонимда кимни илки,
Толғымга ҳукм сўқмиш фармойишдай.

Атрофимда турфа нусха, курт-қумурсқа,
Гирдим олиб қарсақ урмиш намоишдай.

Тағошларда омон бўлса ғариб бошинг,
Жаҳду ғурбат безак бўлмиш оройишдай.

Неки ўтди, бошдан ўтир, сувга ташла,
Ҳижрат, бари қисматингда кушойишдай.

БЕРАҚОЛМИШ

Наққоши азал хуснинга оро берақолмиш,
Қайсари жунун аҳлига ғавво берақолмиш.

Қўжам матаги ифори-да кўйлати ял-ял,
Гул хандон отиб, долата савдо берақолмиш.

Наргиста қаранг, кипригидан равледи пайкон,
Лабларда тугиб рашкига хулво берақолмиш.

Булбул оҳ уриб, абри баҳор йиғлади юм-юм,
Ноласи сабаб, ишқига раъно берақолмиш.

Зантори тилам алвон ила ерта тушаммиш,
Сайқалта солиб дунёни, зебо берақолмиш.

Хулқар уялиб меҳробидан маҳлиё боқди,
Ул сарвноз ила қомати Лайло берақолмиш.

Ҳижратни кўриб, аҳволига кулди-ю тулғоз,
Оҳу қарашу муздида бўсо берақолмиш.

ШАРҚ ТАРОНАСИ

Санъатлар ичинда энг шарқонаси,
Юлдузлар сайлида дур-маржонаси
Регистон кўшқида жон жононаси -
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Самарқанд базмида сайқали жаҳон,
Кўнгли меҳробиди ишқ - зебигардон,
Мағрибдан Машиққа ястанган уммон -
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Аслида ғарб - ғуруб, шарқ эли шафқ,
Тафаккур аҳлига Ҳақ берди тавфқ

Жон ила вужулга куй бўлди рафик -
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Наволар уйғонар ҳар кошнн, фишда,
Навога айланар ҳар жон, ҳар рипта
Куёшдан куй бўлиб инган фаришта -
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Лаъли Бадахшоннинг олтин ҳалқаси,
Соҳибқирон кўртан тинчлик қалъаси
Ипак йўли бўлган шарқ машъаласи -
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Истибдол янчилди, истиқтол кулди,
Энли Ватан озод, иқболи тулдир.
Ишқи жовидонга куй пайванд бўлди -
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Шарнингта ярашар ҳар қанча талқин,
Пойингта тул бўлиб тўшалай халқим,
Юраклар тафтидан порлаган ёлқин -
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Дунёда онадай мўътабар зот йўқ,
Ватандай муқаллас, файзли ҳаёт йўқ,
Она - Ватан йўқдир - бил, кўшқанот йўқ,
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Тарона авжидир шодлиқдан дарак,
Сени кўшқўлдасин Ёсин-Таборақ,
Тўйларга уланган тўйлар муборақ,
Шарқ таронаси бу, қалб таронаси.

Аллоҳумма биҳамлика таборақ,
Вассалату вассаламу дуодан.
Миналлаҳи таала вал муборақ,
Ва хайриҳи ва шарриҳи худодан.

Яратган ҳукмига иқрори бандла,
Тириқлик зийнати асрори жанда,
Бемаҳал заволу, туҳмат-бағодан
Илоҳо асратил, қилма шармандла.

Таъмали ош ема, миннати аён,
Қиёфа алдамчи, чиммати аён,
Ул аҳли китобнинг даъвати аён,
Илоҳо асратил, қилма шармандла.

Иймондан аълороқ тутал давлат йўқ,
Мол-дунё хирсидан кабир фафлат йўқ,
Охират ҳукмидан ўзга ҳикмат йўқ,
Илоҳо асратил, қилма шармандла.

Аллоҳумма мағфирли вал валгийла,
Муслимин вал муслимат оламида
Насиб қилсин шойистаи жаннатни,
Ато этсин фариқаи раҳматни.

2013 ЙИЛ ТИЛАГИ

Авжланали фалаклар баҳси,
Еру кўкда малаклар рақси.
Ўтган умр тириклик нақши —
Ҳар дил ошиқ, ҳар кўнгли баҳши,
Кириб келган янги йил яхши.

Гулкосада гулгун гулоб,
Тарозда гуноҳу савоб,
Ҳар кўннингни айлагил тавоб —
Файзли юртта файзли эл яхши,
Кириб келган янги йил яхши.

Ризққа тўла замин ховучи,
Жаннатларда ишқнинг товучи.
Бошимизда илоҳа кўши —
Озод Ватан, хур манзил яхши,
Кириб келган янги йил яхши.

Рўшноликка талпинар ҳар жон,
Эзгу тилак омадан нишон.
Нурли бўлар эртამиз, ишон —
Шу азиз юрт, аҳли дил яхши,
Кириб келган янги йил яхши.

Турланади бу гулкор замон,
Қадам ташта эзгулик томон.
Бошинг тошдан бўлсин, жон омон —
Дилни покла, ниат қил яхши,
Кириб келган янги йил яхши.

БАҲОР

Сен кўнглининг самовий рақси
Зеби жаҳон кўркининг нақши,
Сен фаришта, мен куйчи баҳши —
Баҳор бўлиб келганинг яхши.

Қаҳратондан қақшади жоним,
Соғинчларга ташлади ганим.
Ташрифингдан яшнади таним —
Рафтор бўлиб келганинг яхши.

Ғолиб туғдай адирлар алвон,
Чўчмоқлар уради жавлон
Жилвасида жаннат ризвон —
Бедор бўлиб келганинг яхши.

Ҳар гиёҳда висол хислати,
Ҳар қиёқда завол қисмати.
Сен ганимат дийдор нисбати —
Дийдор бўлиб келганинг яхши.

Шўх нозларинг иффор насимли
Гул юзларинг бунча ёқимли,
Бол сўзларинг гунча тотимли —
Дилдор бўлиб келганинг яхши.

Эй фасли гул, фасли мастона,
Эртакирдан келган афсона
Малаксиймо, қадди Рухона —
Зуннор бўлиб келганинг яхши.

Таврифингта кўшмадим пардоз,
Қадамингта кўёш пойандоз.
Сен манту ишқ, туғдлати соз —
Баҳор бўлиб келганинг яхши.

Мундарижа

Анбарафшоним Ватан.....	3
Калом.....	4
Чумоли.....	4
Сано.....	5
Билдирмайгина.....	6
Тинмас.....	7
Тоза гул.....	8
Ишқи илоҳий.....	8
Мезон.....	9
Такдир.....	10
Худшараст.....	11
Тавба.....	12
Мўлтонилар.....	12
Нафас.....	13
Жунун манзили.....	15
Мангу ишқ.....	16
Ватан шайни.....	17
Багдаи маҳфуза.....	18
Улуғ юрт.....	19
Сен баҳорни бошлаб келгасан.....	20
Ойбарчиннинг нидоси.....	21
Асқар Маҳкам хотираси.....	22
Фасли ҳамал.....	23
Жангномаи Яҳё.....	24
Шоирларнинг бахшиси.....	25
Ҳамал келди.....	26
Соҳибқирондир Ватан.....	27
Аёл ва баҳор.....	28
Баҳор ташрифи.....	29
Соғиндим.....	30
Зебона.....	31
Шунга шу.....	32

Сухайло.....	33
Самарқанд мадҳи.....	34
Сорбон Самарқанд.....	34
Билмасин.....	35
Яҳёга айт.....	35
Тасаллуқ.....	36
Фасли ишқ.....	37
Жулдузқақча.....	37
Сомсадин.....	38
Ойпари.....	38
Бардаки.....	40
Бағодур.....	41
Чироқ.....	41
Истадор.....	42
Соғиндуқ.....	43
Табиатнинг.....	43
Пардасилурмиз.....	44
Мажора.....	45
Маликаи Будар.....	45
Ажаб дунё.....	46
Қалди му Бобур газалига муҳаммас.....	46
Яхшилик Бобур газалига муҳаммас.....	47
Тутай Навоий газалига муҳаммас.....	48
Мушарраф кун Жомий газалига муҳаммас.....	49
Туш.....	51
Сўққабаш.....	51
Байғал.....	52
Тажанглаб.....	53
Битқазиб.....	53
Султонимиз.....	54
Ғаров.....	54
Зиндага.....	55
Куйи бўлгон.....	56
Утлан қўйма.....	56

Хаёт ҳикмат.....	57
Чирманда кўп.....	57
Бормангон яхши.....	58
Етишмайди.....	59
Нима ёзар?.....	59
Давво бўлакча.....	60
Лаганбардор.....	60
Вақтинчалик.....	61
Ичбурмаси.....	61
Ишқал.....	62
Уй можароси.....	63
Шийгон.....	63
Бозингта боз.....	64
Рауф Парфи ёди.....	65
Этакни торт.....	66
Юлдузими изладим.....	66
Шоирдан не оласан?.....	67
Қисмасин.....	68
Дуруст.....	68
Довдир қилур.....	69
Тарози.....	70
Баракалай.....	70
Ғанимат.....	71
Чирок эрмиш.....	72
Эй гул.....	72
Тоғилмайду.....	73
Марҳабо.....	74
Татар қилмиш.....	74
Савдони кўринг.....	75
Отмагулча.....	76
Билмадинг ҳаргиз.....	76
Ўртасинда.....	77
Макр баёни.....	78
Ким бўлдинг?.....	78

Қарздор кўринма.....	79
Зақотимда.....	80
Нолима.....	80
Тўфонидан.....	81
Тўнжалар.....	82
Баҳри ишқ.....	83
Чоригингни унутма.....	83
Бардорда.....	84
Тил устида.....	85
Оқибат.....	85
Қушойишлай.....	86
Берақолимиш.....	87
Шарқ таронаси.....	87
Дуо.....	89
2013 йил тилаги.....	90
Баҳор.....	91
Мундарижа.....	92

Адабий-бадiiй нaшр

Нуруллоҳ Достон
(Н.Остонов)

ФАСЛИ ИШҚ

Муҳаррир - Порсо Ҳошим

Мусаввир - Алибек Раҳмонов

Мусаввир дизайнер - Шухрат Мирфайёзов

Мусаххих - Зилола Остонова

Компьютерда саҳифаловчи - Нигуфар Маълумова

Техник муҳаррир - Ойбек Остонов

Сураткаш - Тоҳир Норкулов

Нашр. лиц. А1 № 104, 15.07.2008 й. Босмаҳонага 09. 09. 2012 йили
берилди. Босишта 14.01.2013 руҳсат этилди. Қороз бичими - 84х108 /

Офсет усулида чоп этилди. Босма табағи - 6,0.

Адаби 3000 нусха. Буюртма № 73.

Баҳоси келишилган нарҳда.

MERKUS хусусий матбаа-нашриёт қорхонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, генерал Узоқов кўчаси, 2-а" уй.
Тел: 228-94-11